




САМАРАЛИ МУЗОКАРАЛАРДА ИККИ ТОМОНЛАМА ҲАМКОРЛИКНИ ЯНАДА КЕНГАЙТИРИШГА ЭЪТИБОР ҚАРАТИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 23 сентябрь куни Нью-Йорк шаҳрида БМТ Бош Ассамблеясининг 80-юбилей сессияси доирасида бир қатор давлат раҳбарлари ва БМТ Бош котиби билан учрашув ўтказди.



Америка Қўшма Штатлари Президенти Дональд Трамп билан учрашувда Ўзбекистон — АҚШ стратегик шериклик муносабатларини янада кенгайтиришнинг долзарб масалалари ва устувор йўналишлари батафсил муҳокама қилинди.

Суҳбат аввалида давлатимиз раҳбари Президент Дональд Трампни ички ва ташқи сиёсатни амалга оширишдаги юксак муваффақиятлари билан самимий табриклади. Унинг халқро ва минтақавий миқёсдаги ўткир моҳоратларини тинч йўл билан ҳал этиш

халқро нуфузни юксалтиришга қаратилган ортга қайтмас ислохотларни яна бир бор қўллаб-қувватлади.

Турли даражалардаги сиёсий мулоқот ва алмашинувлар жадал ривожланиб бораётгани, ишбилармонлик алоқалари



раҳбарлари билан ўтказган учрашув ва музокараларнинг самарали натижаларини юксак баҳолади.

Фуқаро авиацияси, тоғ-кон саноати, муҳим минераллар, молия, инновациялар, кимё, энергетика ва бошқа устувор

Музокаралар якунида давлатимиз раҳбари Президент Дональд Трампни ўзи учун қулай мўддатда Ўзбекистонга расмий ташриф билан келишга таклиф этди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва АҚШ Президенти

янада мустаҳкамлаш ва кўп қиррали ҳамкорликни кенгайтириш масалалари кўриб чиқилди.

Кейинги йилларда ўзаро ҳамкорликда катта юксалишга эришилгани, барча даражалардаги алмашинувлар ва мулоқотлар жадаллашгани мамнуният билан қайд этилди.



Минтақавий ва глобал аҳамиятга молик долзарб масалалар юзасидан фикр алмашилди. Жорий йил 5 сентябрь куни бўлиб ўтган телефон орқали мулоқот якунида эришилган келишувларнинг амалга оширилиши кўриб чиқилди.

борасидаги шахсий ҳиссаси ва сайёҳаракатлари алоҳида қайд этилди.

Ўз навбатида АҚШ етакчиси Янги Ўзбекистонда иқтисодиётни модернизация қилиш, аҳоли фаровонлигини ошириш ва

фаоллашгани катта мамнуният билан қайд этилди.

АҚШ Президенти куни кеча Ўзбекистон етакчисининг АҚШнинг 50 дан ортиқ йирик компания ва банклари



йўналишларда шартномалар ва истиқболли лойиҳалар портфели шакллантирилди.

Ушбу лойиҳа ва келишувлар икки мамлакатда ўн минглаб янги иш ўринларини яратиши таъкидланди.

Дональд Трампнинг учрашуви очик, конструктив ва дўстона руҳда ўтди.

Корея Республикаси Президенти Ли Чжэ Мён билан учрашувда Ўзбекистон — Корея алоҳида стратегик шериклик муносабатларини

Ўзаро савдо кўрсаткичлари барқарор ошиб бормоқда. Корея компанияларининг Ўзбекистон иқтисодиётига тўғридан тўғри инвестициялари ҳажми 8 миллиард доллардан ошди.

▶ Давоми 2-бетда

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОННИНГ МУҲИМ ТАШАББУСЛАРИ БМТ БОШ АССАМБЛЕЯСИ МИНБАРИДА ЯНГРАДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 23 сентябрь куни Нью-Йорк шаҳридаги Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг бош қароргоҳида ўз ишини бошлаган БМТ Бош Ассамблеясининг 80-юбилей сессияси умумсиёсий мунозараларида нутқ сўзлади.

Сессия раиси Анналена Бербок бошчилигида ўтказилаётган мунозараларнинг биринчи кунинда БМТ Бош котиби Антониу Гутерриш, аъзо давлатлар етакчилари — Америка Қўшма Штатлари Президенти Дональд Трамп, Бразилия Федератив Республикаси Президенти Луис Инасиу Да Силва, Туркия Республикаси Президенти

Режеп Таййип Эрдоган, Жанубий Африка Республикаси Президенти Сирил Рамафоса, Корея Республикаси Президенти Ли Чжэ Мён, Франция Республикаси Президенти Эммануэль Макрон ҳамда бошқа мамлакатлар раҳбарлари қатнашмоқда.

▶ Давоми 2-бетда

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ БИРЛАШГАН МИЛЛАТЛАР ТАШКИЛОТИ БОШ АССАМБЛЕЯСИНИНГ 80-СЕССИЯСИДАГИ НУТҚИ

Ҳурматли Раис хонимлари!
Ҳурматли Бош котиб жаноблари!
Делегациялар раҳбарлари!
Хонимлар ва жаноблар!

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг юбилей анжумани — 80-сессияси билан сизларни қутлашдан мамнунман.

Бугунги йиғилишимиз шиддат билан ўзгараётган мураккаб глобал вазиятда ўтмоқда. Бу эса Ташкилотимиз фаолияти ва унинг келажакига янгича ёндашувлар билан қарашга чорламоқда.

Ҳозирги кунда дунёда халқро институтларнинг ўрни ва роли заифлашмоқда,

қарама-қаршилик, низо ва урушлар кучаймоқда, технологик ва ижтимоий тенгсизлик кескин ошмоқда, иқтисодий ва гуманитар инқирозлар ортиб бормоқда. Буларнинг ҳаммаси мутлақо янги, хавотирли геосиёсий воқеликни вужудга келтирмоқда.

Биз Бош котиб Антониу Гутерриш Жаноби Олийларининг энг оғир ва ўткир глобал масалаларни муроо билан ҳал этиш учун Ташкилотимизни асосий платформа сифатида сақлаб қолишга қаратилган сайёҳаракатларини юксак баҳолаймиз.

Бу борада “БМТ — 80” ташаббусларини тўлиқ қўллаб-қувватлаймиз, Келажак учун пакта қатъий содиқлигимизни тасдиқлаймиз.

Биз замонавий хавф-хатарларга қарши самарали курашиш, ривожланаётган давлатларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Хавфсизлик Кенгашини трансформация қилиш ва унинг таркибини кенгайтириш тарафдоримиз.

Ҳурматли сессия иштирокчилари!
Биз Барқарор ривожланиш мақсадларига ҳамоҳанг ҳолда, демократик, ҳуқуқий, ижтимоий ва дунёвий Янги Ўзбекистонни барпо этиш сиёсатини олиб бормоқдамиз. Бунинг учун ортга қайтмас ислохотларимизни изчил давом эттирялмиз.

Устувор мақсадимиз — мамлакатимизда яшаётган ҳар бир оиланинг, ҳар бир

фуқаронинг ҳаётини тубдан ўзгартириш, инсон қадри ва фаровонлигини оширишдир.

Сўнгги йилларда Ўзбекистонда камбағаллик даражасини 35 фоиздан 6,6 фоизгача қисқартиришга эришдик. Бунга, аввало, таълим ва илм-фан соҳасини ўзгартириш, инновацион тармоқлар ва технологик саноат корхоналарини барпо этиш, “яшил” энергетика ва транспорт инфраструктурасини модернизация қилиш, кичик бизнесни ҳар томонлама ривожлантириш ва натижада миллионлаб иш ўринлари яратиш орқали эришмоқдамиз.

▶ Давоми 2-бетда



2025 йил 24 сентябрь, 197-сон



www.yuz.uz



yuz.uznews




yuz_official



yuz.uz_news



yuz



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ БИРЛАШГАН МИЛЛАТЛАР ТАШКИЛОТИ БОШ АССАМБЛЕЯСИНИНГ 80-СЕССИЯСИДАГИ НУТҚИ

Бошланиши 1-бетда

Мамлакатимизда мактабгача таълим қамрови 27 фозидан 78 фозга ошди, ёшларимизнинг олий таълим билан қамрови эса 9 фозидан 42 фозга етди. Энг асосийси — ўқитувчи ва устозлик касбининг обрўси ва нуфузини кескин оширишга ҳал қилувчи масала сифатида қарамоқдамиз.

Педагогларнинг ўзаро тажриба ва билим алмашиши учун ягона халқаро платформани яратиш мақсадида Ўзбекистонда Бутунжаҳон профессионал таълим саммитини ўтказишни тақлиф этамиз.

Шунингдек, мамлакатимизда илғор соғлиқни сақлаш тизимини яратмоқдамиз. Эртага Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг бош қароргоҳида бизнинг ташаббусимиз билан болалар саратони ва бошқа оғир касалликларга қарши курашга бағишланган юқори даражадаги тадбир ўтказилади. Унга барча хорижий ҳамкорларимизни тақлиф этамиз.

Яна бир муҳим йўналиш — гендер сиёсати. Мамлакатимизнинг ижтимоий-сиёсий ҳаёти ва тадбиркорлик соҳасида хотин-қизларнинг ролини бундан буюн ҳам мустақамлашни мақсад қилганимиз. Кенг минтақамиз миқёсида эса Осиё хотин-қизлар форумини доимий платформага айлантириб, мунтазам ўтказиб бориш тарафдоримиз.

Яна бир бор таъкидламоқчиман: биз Барқарор ривожланиш мақсадларига эришиш йўлида олган мажбурийларимизга содиқмиз. 2030 йилга бориб “даромади ўртадан юқори” бўлган мамлакатлар қаторига киришни ният қилганимиз.

Шу мақсадда очик ва прагматик сиёсатимизни изчил давом эттирамиз.

Хурматли хонимлар ва жаноблар! Бундан 8 йил муқаддам биз ушбу юксак минбардан туриб, Марказий Осиёни тинчлик, яхши кўшничлик ва шериклик маконига айлантиришга қатъий қарор қилганимизни эълон қилган эдик.

Бугун чуқур мамнуният билан таъкидлаш мумкин: биз бу стратегик мақсадга эришдик. Ёпиқ чегаралар, ҳал этилмаган баҳс ва низолар даври тарихда қолди.

Сўнгги йилларда минтақамизда ўзаро савдо, инвестициялар ва транспорт ташувлари ҳажми беш баробаргача кўпайди. Биз қўшма инвестиция жамғармалари, чегара ҳудудларида савдо ва саноат зоналарини ташкил қилганимиз, йирик инфратузилма лойиҳаларини амалга оширмоқдамиз.

Марказий Осиё давлат раҳбарлари Маслаҳат учрашувлари минтақавий интеграциянинг чуқурлаштириш йўлида самарали механизмга айланигани ҳам умумий ютугимиз сифатида эътироф этамиз.

Шуни қатъий ишонч билан айтишим мумкинки, бугунги кунда Янги Марказий Осиёни шакллантириш жараёни бошланди.

Минтақамиз ўзининг ҳамжиҳатлиги, барқарорлиги, ўзига хослиги билан халқаро муносабатлар тизимида алоҳида субъект сифатида тобора мустақкам ўрин эгалламоқда.

Мақсадларимизга эришиш учун барча хорижий шерикларимиз билан ўзаро манфаатли алоқаларни кенгайтиришга асосий эътибор қаратамиз. Бу борада Бирлашган Миллатлар Ташкилоти тузилмалари билан минтақамизда қатор янги лойиҳа ва дастурларни амалга оширишни тақлиф этамиз.

Жумладан, ЭКОСОС ва ЮНКТАД шафелигида Марказий Осиё давлатларининг иқтисодий тараққиёти масалаларига бағишланган халқаро форум ўтказиши, ЮНИДО билан саноатда “яшил” технологиялар минтақавий хабини ташкил этиш, минтақамизда сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш, “яшил” макон барпо этиш ҳамда демографик барқарорликка эришиш бўйича дастурларни қабул қилиш ташаббуслари билан чиқамиз.

Шу билан бирга, Бош Ассамблеянинг Марказий Осиё мамлакатларининг минтақавий шериклик ва иқтисодий интеграцияни чуқурлаштиришга қаратилган ҳаракатларини қўллаб-қувватлашга доир резолюциясини қабул қилишни тақлиф этамиз.

Хурматли делегациялар раҳбарлари! Глобал ва минтақавий хавфсизлик ва барқарор ривожланиш ҳақида гапирганда, албатта Афғонистон тўғрисида тўхталмаслик мумкин эмас.

Афғон халқининг тинч ва осуда ҳаётга бўлган интилишини қўллаб-қувватлаш учун халқаро ҳамжамиятнинг саяй-ҳаракатларини бирлаштириш зарур. Шунини алоҳида таъкидлашни истардимиз, бу давлатнинг яқаланиб қолишига йўл қўймаймиз ўта муҳимдир.

Биз Афғонистонда катта иқтисодий ва инфратузилма лойиҳаларини амалга оширмоқчамиз. Ушбу мамлакат орқали халқаро транспорт ва энергетика коридорларини ривожлантириш бўйича Ташкилотимизнинг алоҳида резолюциясини қабул қилишни тақлиф этамиз.

Ҳазо секторидидаги тобора кескин ёмонлашиб бораётган гуманитар инқирозни ҳам эътибордан четда қолдириб бўлмайди. Ҳарбий ҳаракатларни тўхтатиш ва сиёсий музокараларни давом эттиришга қақирамиз. Биз БМТ резолюцияларига мувофиқ, “икки халқ учун — икки давлат” тамойилини амалга оширишнинг қатъий тарафдоримиз.

Украина атрофидаги вазият ҳам барчамизни жиддий ташвишга соломқда. Бу муаммони дипломатик йўлар билан ҳал этиш бўйича юқори даражадаги мулоқотлар бошланганини олқийлаймиз.

Хурматли анжуман иштирокчилари! Марказий Осиёда Глобал аксилтерор стратегиясини бажариш бўйича самарали ишлар олиб боришмоқда. БМТнинг Терроризмга қарши кураш бошқармаси билан ҳамкорликда Реабилитация ва қайта интеграция масалалари бўйича Минтақавий Кенгаш тузилган. Биз уни Халқаро компетенциялар марказига айлантиришни тақлиф этамиз.

Бу тузилма муаммолари ҳудудлардан қайтарилган шахсларни тинч ҳаётга мослаштириш бўйича тажриба алмашиш учун муҳим платформа бўлиб хизмат қилади.

Бундан ташқари, Терроризмга қарши кураш бошқармасининг минтақавий офисини Ўзбекистонда очиш учун зарур шароит яратишга тайёрмиз.

Хурматли хонимлар ва жаноблар! Бугунги таҳдидларга тўла дунёда глобал транспорт тизими нақадар заиф эканлигига амин бўлганмиз. Бу муаммолар, биринчи навбатда, денгизга чиқиш имконияти бўлмаган ривожланаётган давлатларнинг барқарорлигига салбий таъсир кўрсатмоқда.

Халқаро транзит коридорларининг хавфсизлигини таъминлаш ва самарали логистика занжирларини яратиш ўта муҳимдир. Бу борада “Барқарор ривожланиш мақсадлари учун ўзаро транспорт боғлиқлигини мустақамлаш” глобал механизмининг жорий этиш вақти келди деб ҳисоблаймиз.

СИЁСАТ

Шунингдек, тобора ўткир тус олаётган иқлим ўзгариши муаммоларига ҳам алоҳида тўхталмоқчиман. Жумладан, Орол денгизи қуришининг салбий оқибатлари жажон ҳамжамиятининг доимий диққат марказида бўлиши лозим. Биз Оролбўйи экотизимини қайта тиклаш бўйича ишларни изчил давом эттиряймиз.

Сўнгги йилларда денгизнинг қуриган тубида 2 миллион гектар майдонда шўрга чидамли чўл ўсимликлари экилди. 2030 йилгача ушбу ҳудуднинг 80 фоз қисмида яшил қопламалар ҳосил қилинади.

Яна бир муҳим муаммо — бу сув ресурсларининг тақчиллигидир. Ҳозирда дунё аҳолисининг икки миллиарддан ортиғи тоза ичимлик сувидан фойдаланиш имкониятига эга эмас.

Биз мамлакатимизда Сувни тежаш бўйича бутунжаҳон форумини ўтказишни режалаштирганмиз. Мазкур анжуман якунлари бўйича сув инқирозини барқарор тараққиёт учун жиддий таҳдид сифатида белгилаш мўлжалланмоқда. Бу борада глобал даражада инновация технологияларини жорий этиш учун алоҳида “йўл харитаси”ни қабул қилиш ниятидамиз.

Экологик ўзгаришларнинг яна бир салбий кўриниши — иқлим миграциясининг кучайиб бораётганидир. Афсуски, ушбу йўналишда аниқ халқаро механизмлар ва ҳуқуқий база ҳанузгача яратилмаган. Биз бу жиддий масалада кенг халқаро шериклик ва мувофиқлаштирилган сиёсат юритиш бўйича Глобал пакт қабул қилиш тарафдоримиз.

Хурматли йиғилиш иштирокчилари! Мамлакатлар ўртасида рақамли ривожланиш ва сунъий интеллектдан фойдаланишда тенгсизликнинг олдини олиш жуда муҳим аҳамиятга эга.

Соғлиқни сақлаш, таълим ва маданият соҳаларида сунъий интеллектнинг амалий ечимлари ва моделлари бегарз алмашишга қаратилган Халқаро ҳамкорлик механизми яратишни тақлиф этамиз.

Яна бир устувор масалага алоҳида тўхталмоқчиман. Эртанги кунимиз, дунёнинг тақдири ва фаровонлиги ўсиб келаётган ёш авлод қўлида. Ёшларимизнинг қалби ва онига тинчлик, гуманизм ва дўстлик, ўзаро ишонч ва ҳурмат каби олижаноб ғояларни сингдириш долзарб вазифамиздир.

Бу борада Жаҳон ёшларининг тинчлик сари ҳаракатини таъсис этиш ва унинг қароргоҳини Ўзбекистонда жойлаштириш тақлифини илгари сураимиз. Биз жамиятимиздаги бағрикенглик сиёсатини изчил амалга оширмоқдамиз.

Шу билан бирга, ислом маърифати ғояларини чуқур ўрганиш ва дунёга тарғиб этиш бўйича саяй-ҳаракатларимизни фаол давом эттирамиз. Яқин ойларида кенг минтақамиз учун ноёб бўлган Ислом цивилизацияси марказини очамиз.

Буюк аждодларимиз — мутафаккир алломалар Имом Бухорий, Имом Термизий, Имом Мотуриддиннинг бой маънавий ва илмий меросининг алоҳида тақдиротини Бирлашган Миллатлар Ташкилотида ўтказиш ниятидамиз.

Хурматли хонимлар ва жаноблар!

Янги Ўзбекистон барча давлатлар билан ўзаро ҳамжиҳатлик, очик мулоқот ва яқин шериклик тарафдоридир. Биз халқлар, маданиятлар ва цивилизациялар ўртасидаги мулоқотни мустақамлаш, умумбашарий мақсадларни рўёбга чиқариш йўлида ўз ҳиссамизни қўшишга доим тайёрмиз.

Эътиборингиз учун раҳмат.

САМАРАЛИ МУЗОКАРАЛАРДА ИККИ ТОМОНЛАМА ҲАМКОРЛИКНИ ЯНАДА КЕНГАЙТИРИШГА ЭЪТИБОР ҚАРАТИЛДИ

Бошланиши 1-бетда

Юртимизда Корея етакчи олий таълим муассасаларининг 4 та филиали, мамлакатимиз ҳудудларида профессионал таълим марказлари муваффақиятли фаолият юритмоқда.

Корея халқаро ҳамкорлик агентлиги, Корея Эксимбанки ва унинг фондлари билан кўп йиллар давомида самарали шериклик қилиб келинаётгани, лойиҳаларнинг умумий портфели 3,5 миллиард доллара етганига юксак баҳо берилади.

Муҳим хомашё ресурсларини чуқур қайта ишлаш, кимё, машинасозлик, қишлоқ хўжалиги, транспорт, авиация, биотехнологиялар ва бошқа устувор йўналишлардаги лойиҳаларни илгари суришни назарда тутадиган янги узоқ муддатли Технологиялар ва саноат шериклиги дастурини тайёрлаш юзасидан келишувга эришилди.

Шу маънода, Ҳукуматлараро комиссиянинг бўлажак йиғилишини самарали қилиб ўтказиш муҳимлиги қайд этилди.

Минтақавий, шу жумладан, “Марказий Осиё — Корея Республикаси” форматига ҳамкорлик масалалари юзасидан фикр алмашилди.

Учрашув якунида давлатимиз раҳбари Корея Президентини давлат ташрифи билан Ўзбекистонга келишга тақлиф этди.

Албаниа Президентини Байрам Бегай билан учрашувда сиёсий-дипломатик, савдо-иқтисодий ва маданий-гуманитар соҳаларда ўзаро манфаатли ҳамкорликни ривожлантириш масалалари кўриб чиқилди.

Икки томонлама муносабатларини, шу жумладан, сиёсий мулоқот ва иқтисодий ҳамкорлик механизмларини яратиш орқали сифат жиҳатида янги даражага олиб чиқишга ўзаро қизиқиш билдирилди.

Савдо ва инвестиция соҳаларидаги ҳамкорлик салоҳиятини рўёбга чиқариш, аграр ва озиқ-овқат саноати, транспорт ва бошқа соҳаларда кооперация лойиҳаларини амалга ошириш муҳимлиги қайд этилди.

Етакчилар минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик масалалар юзасидан ҳам фикр алмашдилар.

БМТ Бош Бош қотиби Антониу Гутерриш билан учрашувда Барқарор ривожланиш мақсадларига эришиш бўйича миллий вазифаларни амалга ошириш доирасида БМТ билан ҳамкорликни янада кенгайтириш масалалари кўриб чиқилди.

Суҳбат аввалида давлатимиз раҳбари Антониу Гутерриш БМТнинг юбилей сессияси билан самимий табриклаб, унинг ташкилот тизимини замонавий воқеликка мос равишда ислоҳ қилиш борасидаги ташаббусларини қатъий қўллаб-қувватлади.

Ўзбекистон ва БМТ шериклигида мисли кўрилмаган юксак даражага эришилгани мамнуният билан қайд этилди. 160 дан ортиқ дастур ва лойиҳалар муваффақиятли амалга оширилмоқда. Октябр ойда беш йилга мўлжалланган янги Ҳамкорлик дастури имзоланиши кутилмоқда.

Кейинги йилларда Ўзбекистон ташаббуси билан БМТ Бош Ассамблеясининг 13 та резолюцияси қабул қилинди. Ўзбекистон ЭКОСОС, Инсон ҳуқуқлари бўйича қўмита, Статистика комиссияси каби нуфузли тузилмаларга аъзо этиб сайланди.

Ўзбекистон ташаббуси билан эртага БМТ бош қароргоҳида болалар саратони ва бошқа оғир касалликларга қарши курашиш бўйича юқори даражадаги форум бўлиб ўтади. Самарқанд шаҳрида ЮНЕСКОнинг 43-Бош конференциясига қизгин тайёргарлик кўрилмақда.

Антониу Гутерриш Ўзбекистон Президентининг Бош Ассамблеянинг юбилей сессиясидаги нутқида юксак баҳо бериб, унинг Барқарор ривожланиш мақсадларига эришиш, Янги Марказий Осиёни шакллантириш, рақамли технологиялар ва сунъий интеллект, ёшлар, маърифат-парвар ислом дини ва бошқа соҳаларда глобал ҳамкорликни илгари суриш борасидаги ташаббуслари муҳимлигини алоҳида таъкидлади.

Суҳбат чоғида долзарб халқаро ва минтақавий муаммолар юзасидан ҳам фикр алмашилди.

Учрашув якунида устувор йўналишларда кенг қўлланли шериклиқни ривожлантириш, ҳамкорлиқнинг янги дастур ва лойиҳаларини ишлаб чиқишга келишиб олинди.

Иордания Подшоҳи Абдулла II ибн ал-Хусайн билан учрашувда жорий йил август ойда Ўзбекистон Республикасига амалга оширилган олий даражадаги ташриф давомида эришилган келишувлар ижроси муҳокама қилинди.

Ўзбекистон ва Иорданиянинг етакчи компаниялари иштирокидаги устувор инвестиция лойиҳаларини амалга оширишни жадаллаштириш бўйича ўзаро мувофиқлашган чора-тадбирлар кўришга алоҳида эътибор қаратилди.

Чехия Республикаси Президентини Петр Павел билан учрашувда савдо-иқтисодий ҳамкорликни янада кенгайтириш масалалари кўриб чиқилди. Савдо, инвестициялар, инновациялар, транспорт, қишлоқ хўжалиги ва бошқа устувор йўналишларда кооперацияни ривожлантириш бўйича аниқ лойиҳалар муҳокама қилинди.

Идоралараро алоқаларни фаол давом эттиришга келишиб олинди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Америка Қўшма Штатларига амалий ташрифи давом этмоқда.

ЎЗА

Янги ЎЗБЕКИСТОННИНГ МУҲИМ ТАШАББУСЛАРИ БМТ БОШ АССАМБЛЕЯСИ МИНБАРИДА ЯНГРАДИ

Бошланиши 1-бетда

Президент Шавкат Мирзиёев сўзининг аввалида иштирокчиларни БМТ Бош Ассамблеясининг юбилей анжумани — 80-сессияси билан самимий қутлади. Мазкур йиғилиш шиддат билан ўзгараётган мураккаб глобал вазиятда ўтаётгани, бу эса Ташкилот фаолияти ва унинг келажагига янгича ёндашувлар билан қарашга қоралётганини қайд этди.

— Ҳозирги кунда дунёда халқаро институтларнинг ўрни ва роли заифлашмоқда, қарама-қаршилик, низо ва урушлар кучаймоқда, технология ва ижтимоий тенгсизлик кескин ошмоқда, иқтисодий ва гуманитар инқирозлар ортиб бормоқда. Буларнинг ҳаммаси мутлақо янги, хавотирли геосиёсий воқеликни вужудга келтирмоқда, — деди Ўзбекистон раҳбари.

Президентимиз Бош қотиби Антониу Гутерришнинг энг оғир ва ўткир глобал масалаларини мурося билан ҳал этиш учун БМТни асосий платформа сифатида сақлаб қолишга қаратилган саяй-ҳаракатларини юксак баҳолади. “БМТ — 80” ташаббусларини тўлиқ қўллаб-қувватлади, мамлакатимиз Келажак учун пактга қатъий содиқлигини тасдиқлади.

Ўзбекистон етакчиси замонавий хавф-хатарларга қарши самарали курашни, ривожланаётган давлатларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида БМТ Хавфсизлик Кенгашини трансформация қилиш ва унинг таркибини кенгайтиришга қақирди.

Давлатимиз раҳбари Ўзбекистондаги Барқарор ривожланиш мақсадларига ҳам-оҳанг ҳолда амалга оширилаётган орта қайтмас ислохотлар жараёнига батафсил тўхталди. Таъкидланганидек, демократик, ҳуқуқий, ижтимоий ва дунёвий Янги Ўзбекистонни барпо этиш сиёсати олиб боришмоқда.

— Устувор мақсадимиз — мамлакатимизда яшайётган ҳар бир оиланинг, ҳар бир фуқаронинг ҳаётини тубдан ўзгартириш, инсон қадрини ва фаровонлигини оширишдир, — деди Президент.

Сўнгги йилларда Ўзбекистонда камбағаллик даражасини 35 фозидан 6,6 фозгача қисқартиришга эришилгани таъкидланди. Бу, аввало, таълим ва илм-фан соҳасининг ўзгартарилаётгани, инновацион тармоқлар ва технология саноат корхоналарининг барпо этилаётгани, “яшил” энергетика ва транспорт инфратузилмасининг модернизация қилинаётгани, кичик бизнеснинг ҳар томонлама ривожлантирилаётгани ва натижада миллионлаб иш ўринлари яратилаётгани тугайлидир.

Мамлакатимизда мактабгача таълим қамрови 27 фозидан 78 фозгача ошди, олий таълим билан қамров эса 9 фозидан 42 фозгача етди. Ўқитувчи ва устозлик касбининг обрўси ва нуфузини кескин оширишга ҳал қилувчи масала сифатида қаралмоқда.

Педагогларнинг ўзаро тажриба ва билим алмашиши учун ягона халқаро платформани яратиш мақсадида Ўзбекистонда Бутунжаҳон профессионал таълим саммитини ўтказиш тақлиф этилди.

Илғор соғлиқни сақлаш тизимини яратиш ҳусусида сўз юритар экан, мамлакатимиз етакчиси БМТ бош қароргоҳида Ўзбекистон ташаббуси билан болалар саратони ва бошқа оғир касалликларга қарши курашга бағишланган юқори даражадаги тадбир ўтказилишини айтиди.

Гендер сиёсатида тўхталиб, давлатимиз раҳбари мамлакатимизнинг ижтимоий-сиёсий ҳаёти ва тадбиркорлик соҳасида хотин-қизларнинг роли бундан буюн ҳам мустақамлашганини таъкидлади. Шу маънода, кенг минтақамиз миқёсида Осиё хотин-қизлар форумини доимий платформага айлантириб, мунтазам ўтказиб бориш муҳимлиги қайд этилди.

Мамлакатимиз Барқарор ривожланиш мақсадларига эришишга қатъий интилишни таъкидлаб, Президент Ўзбекистон 2030 йилга бориб “даромади ўртадан юқори” бўлган мамлакатлар қаторига киришни ўз олдига мақсад қилиб қўйганини таъкидлади.

Ўзбекистоннинг ташқи сиёсатидаги устувор йўналишларга алоҳида эътибор

қаратилди. Президентимиз шундай деди: “Бундан 8 йил муқаддам биз ушбу юксак минбардан туриб, Марказий Осиёни тинчлик, яхши кўшничлик ва шериклик маконига айлантиришга қатъий қарор қилганимизни эълон қилган эдик. Бугун чуқур мамнуният билан таъкидлаш мумкин: биз бу стратегик мақсадга эришдик. Ёпиқ чегаралар, ҳал этилмаган баҳс ва низолар даври тарихда қолди”.

Сўнгги йилларда минтақамизда ўзаро савдо, инвестициялар ва транспорт ташувлари ҳажми беш баробаргача кўпайгани таъкидланди. Қўшма инвестиция жамғармалари, чегара ҳудудларида савдо ва саноат зоналари ташкил этилмоқда, йирик инфратузилма лойиҳалари амалга оширилмоқда.

Марказий Осиё давлат раҳбарлари Маслаҳат учрашувлари минтақавий интеграциянинг чуқурлаштириш йўлида самарали механизмга айланди.

— Шунини қатъий ишонч билан айтишим мумкинки, бугунги кунда Янги Марказий Осиёни шакллантириш жараёни бошланди. Минтақамиз ўзининг ҳамжиҳатлиги, барқарорлиги, ўзига хослиги билан халқаро муносабатлар тизимида алоҳида субъект сифатида тобора мустақкам ўрин эгалламоқда, — деди Президент.

Давлатимиз раҳбари БМТ тузилмалари билан минтақда қатор янги лойиҳа ва дастурларни амалга оширишни, жумладан, ЭКОСОС ва ЮНКТАД шафелигида Марказий Осиё давлатларининг иқтисодий тараққиёти масалаларига бағишланган халқаро форумини ўтказиши, ЮНИДО билан саноатда “яшил” технологиялар минтақавий хабини ташкил этиш, минтақамизда сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш, “яшил” макон барпо этиш ҳамда демографик барқарорликка эришиш бўйича дастурларни қабул қилишни тақлиф қилди.

Бундан ташқари, Бош Ассамблеянинг Марказий Осиё мамлакатларининг минтақавий шериклик ва иқтисодий интеграцияни чуқурлаштиришга қаратилган ҳаракатларини қўллаб-қувватлашга доир резолюциясини қабул қилиш ташаббуси илгари сурилди.

Глобал ва минтақавий хавфсизлик борасида фикр юритар экан, Ўзбекистон Президенти Афғонистондаги вазиятга тўхталди. Афғон халқининг тинч ва осуда ҳаётга бўлган интилишини қўллаб-қувватлаш учун халқаро ҳамжамиятнинг саяй-ҳаракатларини бирлаштиришга қақириб, бу давлатнинг яқаланиб қолишига йўл қўймайлик ўта муҳимлигини алоҳида таъкидлади.

Ўзбекистон ушбу мамлакатда катта иқтисодий ва инфратузилма лойиҳаларини амалга оширмоқчи экани қайд этилди.

Президентимиз Афғонистон орқали халқаро транспорт ва энергетика коридорларини ривожлантириш бўйича БМТнинг алоҳида резолюциясини қабул қилишни тақлиф этди.

Ҳазо секторидидаги тобора ёмонлашиб бораётган гуманитар инқироз ҳақида гапирар экан, Президентимиз ҳарбий ҳаракатларни тўхтатиш ва сиёсий музокараларни давом эттиришга қақирди.

— Биз БМТ резолюцияларига мувофиқ, “икки халқ учун — икки давлат” тамойилини амалга оширишнинг қатъий тарафдоримиз, — деди у юксак минбардан туриб.

Украина атрофидаги вазият ҳам барчамизни жиддий ташвишга солаётганини қайд этиб, Президентимиз бу муаммони дипломатик йўлар билан ҳал этиш бўйича юқори даражадаги мулоқотлар бошланганини олқийлади.

Хавфсизлик мавзуси давомида давлатимиз раҳбари Марказий Осиёда Глобал аксилтерор стратегиясини бажариш бўйича самарали ишларни қайд этди. Б

КАМБАҒАЛЛИКНИ ҚИСҚАРТИРИШ БЎЙИЧА ЯНГИ ЎЗБЕК МОДЕЛИ



Зиёвуддин МАНСУР,
Ўзвучилар уюшмаси Наманган вилояти бўлими раҳбари, халқ депутатлари вилоят кенгаши депутати, “Эл-юрт ҳурмати” ордени соҳиби

Муҳими, мамлакатимизда бу борадаги янги ташаббус ва тажрибалар синовдан ўтказилиб, дунёдаги ижобий ютуқлар ўрганилган ҳолда, камбағалликни қисқартiriш бўйича янги Ўзбекистон модели яратилди. Наманганда “Камбағалликдан фаровонлик сари” мавзусида ўтказилган халқаро форум бу борадаги тажриба ва амалиётни намоён этишда ўзига хос платформа вазифасини ўтади.

Ҳозир инсоният оқибатини олдиндан айтиб бўлмайдиган ўта кескин ва мураккаб даврни бошдан кечираётган, дунёда геосиёсий, иқтисодий ва ижтимоий бекорорлик тобора ортиб бораётган. Ер юзида оғир иқлим ўзгаришлари, сув танқислиги ва пандемиялар туфайли инсоният олдида машаққатли синовлар пайдо бўлаётган бир пайтда янги Ўзбекистонда кузатилаётган оламшумул ўзгаришлар, улкан бунёдкорликлар, энг эътиборлиси, барча эзгу саъй-ҳаракатлар инсон манфаатларига қаратилаётгани ва бу олижаноб ишлар жаҳон ҳамжамиятининг юксак эътирофига сазовор бўлаётгани бутун мамлакат аҳлига алоҳида ғурур-ифтихор бағишлайди. Ҳар қандай синчков одам жаҳонда рўй бераётган турли моjarолар, айрим давлатлар ўртасидаги қирғинбарот жанглар, умуман, кутилмаган глобал ўзгаришлар оқибатида 2015 йилдан буён глобал иқтисодий ўсиш суръати ўртача 3 фоизни ташкил этиб, олдинги ўн йилликка нисбатан секинлашганини, бунинг оқибатида агар беш йил олдин дунёда 650 миллион киши камбағалликда яшаган бўлса, бутун улар сонى 800 миллиондан ошганини, бу каби салбий ҳолатлар барча давлатлар, халқаро ташкилотлар, умуман, дунё ҳамжамияти олдида янги ва долзарб вазифаларни қўйиб, уларга ечим топиш бўйича тезкор қарорлар қабул қилишни тақозо этаётганини илғашни қийин эмас.

Мана шундай шароитда янги Ўзбекистон ҳар жаҳҳада тинимсиз ўзгаришларга юз тутаяётганини англамаслик, ҳис этмаслик ёки бу каби ижобий юксалишларга панжа орасидан қараш гумрохлик, бефарқлик, ноҳилис-ликдан бошқа нарса эмас, албатта. Ўттиздан ортиқ нуфузли ташкилот ва икки юзга яқин халқаро эксперт қатнашган халқаро форум иштирокчилари давлатимиз раҳбарини қизгин қутли олгани, кун тартибидagi масала юзасидан нутқини гулдурос қарсаклар билан олиқтилагани, илгари сурган таълиф ва ташаббусларини музокараларида самимиёт билан маъқуллагани, айрим муаммоларга биргаликда ечим топишга даъват қилувчи ғояларига хайрихоҳлик билан қўшилгани анжуманга қизгин рух, кўтаринки кайфият бахш этди.

Президентимиз маърузасида қайд этилганидек, мамлакатимизда сўнгги етти йилда фуқароларнинг ҳақ-ҳуқуқини ҳимоя қилиш, муносиб иш жойи билан таъминлаш, даромадини ошириш, турмуш шароитини яхшилашга қаратилган улкан ишлар бажарилди. Барча саъй-ҳаракатлар ҳар бир инсон, айниқса, ёшлар ва хотин-қизларга ўз салоҳиятини тўлиқ намоён этиши учун шароит яратиш ва имкониятларни кенгайтиришга қаратилди.

Шундай мураккаб даврда камбағалликка қарши кураш давлат сиёсати даражасига олиб чиқишлиши, умуммиллий ҳаракатга

айлантирилиши, образли айтганда, жарликда туриб чўққини қўзлашдек ақлбевар қилмайдиган ҳолат эди. Оқибатига тан олиш керак, ўша пайтда бизда камбағаллик даражасини баҳолаш бўйича аниқ мезон ва методология йўқ эди. Мана шундай паллада янги тахрирдаги Конституциямизда пенсиялар, нафақалар ва ижтимоий ёрдам миқдори энг кам истёмолад харажатида оз бўлиши мумкин эмаслиги қатъий белгилаб қўйилгани жуда катта қонуний асос бўлди. Ҳаққоний ҳолатни яққолроқ тасаввур қилиш учун қуйидаги фактларни эслаш киёво, назаримда.

Экспертларнинг ҳисоб-китобига кўра, бу ишлар бошланганда мамлакатимиз аҳолисининг учдан бир қисми камбағаллик чегарасида яшарди. Изчил ислохотлар туфайли 7,5 миллион киши камбағалликдан чиқарилиб, камбағаллик даражаси 2024 йилда 8,9 фоизга туширилди. Йил якунигача уни 6 фоизгача камайтириш режа қилингани нихоятда олижаноб мақсаддир.

Албатта, қисқа муддатда бундай натижага эришиш ўз-ўзидан бўлгани йўқ. Ўтган даврда иқтисодийимиз 2 баробар ўсгани, йил якуни билан аҳоли жон бошига даромад 3,5 минг долларга етиши ҳазилакам иш эмас.

Мамлакатимизда янги ташаббус ва тажрибалар синовдан ўтказилиб, дунёдаги ижобий ютуқлар ўрганилиб, камбағалликни қисқартiriш бўйича янги Ўзбекистон модели яратилди. Аввало, ўттиш даврининг муҳим инструменти бўлган манзилли ижтимоий дафтарларни жорий этиб, барча эҳтиёжманд оилалар қамраб олинди.

Биргина мисол: пандемия даврида 800 минг оилага бепул дори-дармон, 255 минг оилага озиқ-овқат маҳсулотлари, яна 1 миллион 200 минг оилага ижтимоий нафақа берилди.

Ўттиш даврининг оғир қийинчиликларини бошдан кечирган халқимиз яхши билди: пахта хомашёсидан бошқа бойлиги йўқ, уни ҳам арзонгаров сотиб, ўзига гўзаоя ва кўракдан бошқа “бойлик” қолмаган миллат, очкича айтганда, сувтекин мардикор эди. Ўзида етиштириладиган саккиз турли озиқ-овқат маҳсулотидан тортиб, кафанликкача навабда туриб олиш ҳолатидаги одамлар учун қандай оғир бўлмасин, изланиб, имкон топиб, ижтимоий мақсадлар учун давлат томонидан 8 миллиард долларлик маблағ ва имтиёзлар берилиши жуда катта оламшумул ижтимоий-сиёсий воқеа эди.

“**Наманганда ўтган навбатдаги халқаро форум ўз моҳият-эътибори билан фаровонлик дастури сифатида Конституциямизда белгилаб қўйилган ижтимоий давлат принципнинг амалдаги исботидир, десак, айна ҳақиқатни айтган бўламиз.**”

Натижада 5 миллион 200 минг одам “камбағаллик ўпқони”га тушиб қолишдан ҳимоя қилинди. Шу билан бирга, иқтисодий рецессиянинг олди олинди.

Жамиятнинг энг қуйи бўғинигача тушиб, “маҳаллабай” ишлаш тизими йўлга қўйилгани, “Халқ давлатга эмас, давлат халққа хизмат қилиши керак” деган олижаноб ғоя асосида одамлар рози бўладиган ишларни қилишга изчил интилиш, тизимли ҳаракат ўзини ҳар томонлама оқлади. Ҳар бир хонадон, ҳар бир оила билан индивидуал режа асосида ишлаб, даромадини ошириш учун давлат хазинасидан етарли ресурс ажратилди.

Маҳаллаларни обод қилиш, одамлар ҳаётини яхшилаш ва тадбиркорлик инфратузилмасини ривожлантиришга ҳар йили 2,5-3 миллиард доллар йўналтирилаётгани оддий фуқаролар учун катта имкониятлар зигинини очмоқда.

Ўзбекистон аҳолисининг асосий қисми қишлоқларда истикомат қилишини назарда тутиб, қишлоқ аҳолисини даромадли қилиш учун 235 минг гектар пахта ва галла майдо-ни қисқартирилди ҳамда одамларга 30-50 сотихдан ер ажратишининг янги механизми жорий қилинди. Бу қишлоқ аҳолиси ҳаётида

ҳеч қутилмаган инқилобий ўзгаришга асос бўлди, десак, айна ҳақиқатни айтган бўламиз. Зеро, шу каби улугвор ишлар қарийб 1 миллион одамнинг даромадини оширишда муҳим қадам вазифасини ўтади.

Барча вилоятларда бўлганидек, Наманганда ҳам етакчи тадбиркорлар кўмагида томорқада сардоромад экинлар экни ва етиштирилган маҳсулотни кафолатли сотиб олиш тизими йўлга қўйилди. Вилоятнинг шаҳарга туташ Наманган, Уйчи ҳамда олис Учқўрғон, Чуст, Норин ва бошқа туманларида томорқадан олинган даромад ҳисобига камбағалликдан чиққан уйдабурон томорқачилар давлатманд оилалар қаторидан жой олаётгани ҳар қанча ибратга, ўрганиб ҳаётга таъбиқ қилишга аргизулик тажрибадир.

Энг муҳими, юқоридаги омиллар асосида аҳолини камбағалликдан чиқариш ва даромадли қилишда ҳар бир ҳудуднинг муайян тажрибаси янглиг меҳнатсевар Наманган аҳлининг ҳам ўз тажрибаси пайдо бўлди. Бу каби дадил ва изчил ҳаракатлар ҳақидаги гапларни тинглаб ўтирганлар ҳали муҳокамалар бошланмай туриб музокарага киришгани, айтилганлар ҳаёда эмас, ҳаётда бўлганини рўпарага қўйилган экрандаги фактлар, рақамлар ва мамлакат ҳаётига оид роликлардан илғаб, қалбан ҳис эта бошлаганини — ҳайратга тушаётганини илғаш қийин эмасди. Шу маънода, халқаро форумнинг Наманганда ўтказилишида етарлича асос бор.

Президентимизнинг барча соҳалар каби бизнесга, барча вилоятлар қатори Наманганга алоҳида эътибори, кичик бизнес, хонарандчилик, замонавий саноат эканлигини ривожлантириш бўйича кўрсатган йўл-йўриқлари асосида етчиллик билан ҳаётга таъбиқ этилаётган янгилашлар, ўзига хос намуна, тажриба мактаби яратилгани эҳтиёжманд халқамизнинг камбағаллик ботқоқидан чиқишга мустаҳкам замин бўлди. Бу гаплар айтишга осон, бироқ атиги етти-саккиз йил аввал тонг отмай далага кетиб, қоронғида ҳам уйида бўлмаган наманганликларнинг бу даражада эришилишга асос бўлган тутумлар, тафаккур ва имкониятлар аввалгисидан ер билан осмонча, биёбон билан бўстонча, томчи билан уммонча фарқ қилган, десам ишонаверинг.

Бир сўз билан айтганда, ҳар бир маҳаллага бизнес муҳити, ҳар бир оилага фаровонлик кириб келганини бутун мамлакат аҳли қатори наманганликлар ҳам ўз ҳаётида, тобора юксалиб бораётган турмуш шароитида яққол ҳис этмоқда. Бунн кундан кун чирой оцаётган вилоятимизнинг қўрқу таровати, одамларнинг гуллари янглиг гулгун чечрасино, ёниқ қўзларидан илғаш қийин эмас. Бундай кенг қўламли саъй-ҳаракатлар ҳисобига Ўзбекистон 2030 йилга қадавр камбағалликни қисқартiriш бўйича олган мажбуриятини барвақт бажаришига ҳеч қандай шак-шубҳа йўқ.

Чунки бу эзгу мақсадга эришиш учун еттигта устувор йўналишни қамраб олган “Камбағалликдан фаровонлик сари” дастури ишлаб чиқилган, ундаги вазифалар ижроси ҳар қандай киши қалбида ишонч уйғотиши табиий. Хўш, булар нималардан иборат?

Биринчидан, давлатнинг пировард мақсади камбағал аҳолини шунчаки ишга жойлаштириш эмас, балки доимий иш ўринларини кўпайтириб, одамларнинг барқарор даромад манбаига эга бўлиши учун шароит яратишдир.

Президентимиз маърузасида қайд этилганидек, давлатимизнинг фаол инвестиция сиёсати туфайли шу йилнинг ўзида 35 миллиард доллар сармоа эвазига 9000 дан ортиқ янги корхона, 300 мингга яқин юқори даромадли иш ўрни очилмоқда.

Қўлай ишбилармонлик муҳити ҳисобига ўтган саккиз йилда 700 минг тадбиркор барқарор бизнесини очди. Эътиборлиси шундаки, давлат бизнесга шароит яратиб берапти, тадбиркорлар эса ўзига ижтимоий масъулият олиб, эҳтиёжманд аҳолини ишлаш ва даромадли қилишда кўмакчи бўлмоқда.

Мана шундай самарали ҳамкорлик туфайли шу йилнинг ўзида 270 мингдан зиёд камбағал оила аъзоси доимий ишлаш бўлди. Кейинги етти-саккиз йилда ҳозирги технологиялар асри тақозосига кўра, ахборот технологиялари, сунъий интеллект, финтех каби одамларга юқори даромад келтирадиган соҳаларда стартаплар экотизимини ривожлантиришга катта эътибор қаратилмоқда. Йил бошидан буён стартапларга 270 миллион доллар ёки ўтган йилга нисбатан 4 баробар кўп хорижий инвестиция кирипти.

Бу йўналишдаги ишларни янада куцайтириб, биргина Жаҳон банки ҳамкорлигида қиймати 100 миллион долларлик янги лойиҳалар бошлангани самардорликнинг ишончли асосидир.

Мамлакатимизда камбағалликни қисқартiriш, аҳоли даромадини кўпайтириш бўйича халқаро ташкилотлар ва нуфузли молия институтлари билан фаол иш олиб борилаяпти. Бу борада Ислон тараққиёт банки билан ҳамкорликда қишлоқларда яшаш шароитини яхшилаш, йўл қурилиши, тиббиёт ва таълим хизматларини кенгайтириш бўйича амалга оширилаётган 5 миллиард долларлик лойиҳалар алоҳида аҳамиятга эга.

Иккинчидан, Президентимиз таъкидлаганидек, одамларнинг билимини оширмай, уларни камбағаллик гирдобидан чиқариш имконсиз. Шу боис, сифатли таълим асосида инсон капиталини ривожлантириш узоқ муддатли истиқболда камбағалликни қисқартiriшнинг асосий драйвери бўлиб қолади.

Биргина мисол: болаларимизнинг боғчалардаги қамрови 27 фоиздан 78 фоизга ошгани натижада 1 миллион аёл таълим олиш, касб-хунар ўрганиш ва даромад топиш имконига эга бўлди. Бу ишлар давом эттирилиб, камбағал оилалар фарзандларини мактабга таълимга тўлиқ қамраб олиш учун барча шароит яратилмоқда. Бундай оилалар фарзандлари учун хорижий тил ва касб-хунар ўрганишга кетадиган харажатларнинг 80 фоизи қоплаб берилаяпти. Бу орқали 100 минг камбағал оила фарзандлари қамраб олинмоқда.

Ҳар бир камбағал оилада камида 1 нафар олий маълумотли йигит ёки қиз бўлиши учун имтиёзли таълим кредити ва давлат грантлари кўпайтирилиши ҳам камбағалликнинг олдини олишда энг самарали ечимлардан бири бўлиши шубҳасиз.

Сўнгги беш йилда 800 мингдан зиёд киши замонавий касб-хунарларга ўргатилиб, юқори даромадли ишларга жойлаштирилди.

Келгусида бу амалиётни янада кенгайтириш режа қилинаётгани ҳам мамлакатимизда “Инсон қадри учун” тамойили асосидаги ислохотлар бардавомлигидан далолат. Жаҳон стандартлари асосида Касбга тайёрлаш халқаро марказлари ташкил этилиб, битирувчиларига хорижда тан олинадиган сертификатлар бериш йўлга қўйилди.

Учинчидан, хотин-қизларни жамиятнинг фаол аъзосига айлантириш масаласи ҳам давлат сиёсати даражасига олиб чиқилди. Мамлакатимизда хотин-қизларга олийгоҳда ўқиши учун фойсиз кредит ажратиш, магистратурада бепул таълим олиш тизими жорий этилди. Бугун талабаларнинг 53 фоизини хотин-қизлар ташкил этаётгани, шу йилнинг ўзида 1 миллион 700 минг аёл ишлаш бўлгани қувонарлидир.

Бу ишлар давом эттирилиб, “Рақамли авлод қизлари” дастури доирасида 50 минг қиз ахборот технологиялари, финтех ва сунъий интеллектга ўқитилиши жаҳон миқёсида омалаштиришга аргизулик намуна.

Хотин-қизларнинг жамиятдаги барча бўғинда ўқиши учун фойсиз кредит ажратиш, давлатимизнинг доимий эътиборида экани, шу йилнинг ўзида аёллар тадбиркорлигини қўллаб-қувватлаш учун 1,5 миллиард доллар ажратилгани, ушбу маблағ янада кўпайтирилиб, келгуси йили яна 2 миллион аёл доимий даромадли бўлиши учун шароит яратиш кўзда тутилаётгани, келгуси йилдан меҳнат бозорида аёллар учун тенг шароит яратиш мақсадида ижтимоий сурғурта тизими қамрови кескин оширилиши оилаларнинг камбағалликка тушиб қолмаслигини кафолатлайди.

Тўртинчидан, инсон саломаатлигини муҳофаза қилмай туриб, имкониятларини тўлақонли рўёбга чиқариб бўлмайди. Бу борада Президентимиз эътирофича, 140 минг камбағал оилага шифокор бириктирилиб, уларни йилига бир марта тўлиқ тиббий қўриқдан ўтказиш йўлга қўйилди. Энди кафолатланган тиббий хизматлар кўпайтирилиб, камбағал оилаларнинг бунга сарф қиладиган харажати 2 қарра қисқартирилди. Бунда уларга бепул дори ва кафолатланган тиббий хизматлар пакети қўйилди этилади.

Бешинчидан, ижтимоий ҳимоя муҳтож аҳоли билан манзилли ишлаш — камбағалликка қарши курашда асосий йўналишлардан бири. Бу тизим тубдан ислох қилиниб, илгари 6 та давлат ташкилотидида бўлган ваколатлар ягона — Ижтимоий ҳимоя миллий агентлигига берилди.

Қисқа муддатда ҳар бир туман ва шаҳарда 100 дан ортиқ ижтимоий хизматларни “бир дарча” тамойили асосида кўрсатдиган “Инсон” ижтимоий хизматлар марказлари ташкил қилинган, ҳар бир маҳаллада ижтимоий ҳодим аҳоли билан проактив усулда ишлаётгани бу эзгу иш қамрови ва самардорлигидан далолат.

Шу йилнинг ўзида мазкур хизмат самараси ўлароқ 2 миллион 700 минг кишига ижтимоий хизмат ва ёрдамлар кўрсатилди. Айниқса, камбағал оилаларнинг парваришига муҳтож аъзоларига янги ижтимоий хизматлар йўлга қўйилди. Бу эса меҳнатга лаёқатли 50 минг кишининг ишлаши учун имкон яратди. Жаҳон банки билан ижтимоий хизматлар сифати ва қамровини ошириш мақсадида 100 миллион долларлик лойиҳа бошлангани эса бу ишнинг кейинги қўламага яққол ишорадир.

Имконияти чекланган аҳолининг камбағалликка тушиб қолиш эҳтимоли юқори. Шу боис, уларни қўллаб-қувватлаш, инклюзивлик асосида жамиятга интеграция қилиш бўйича мамлакатимиз миқёсида янги ёндашувлар ишлаб чиқилди.

Муносиб меҳнат шароити яратилгани учун бу йил ногиронлиги бор 150 минг шахс ишга жойлашди. Уларга ҳаётий зарур тиббий жиҳозлар ва протезлар бепул етказиб берилмоқда.

Бундан ташқари, имконияти чекланган болаларни мактаб ва касбий таълим билан қамраб олиш учун алоҳида дастурлар амалга оширилаётгани, оғир вазиятга тушиб қолган болаларга гамхўрлик қилиш ва уларни зўравонликнинг ҳар қандай кўринишидан ҳимоя қилиш борасида янги тажриба яратилгани ҳам инсонпарварликнинг олий намунасидир.

Олтинчидан, ҳудудларда инфратузилмани яхшилаш, одамларга яхши яшаш учун қўлай шароитлар яратиш кўп ўлчовли камбағалликни қисқартiriшда муҳим қадам бўлади.

Шу мақсадда қарийб 3,5 миллион киши яшайдиган, шароити оғир 1000 та маҳаллада инфратузилма яратиш борасидаги ишлар натижасида шу йилнинг ўзида 470 минг хонадонга қарашли томорқада сув борди, яна 790 минг хонадонда электр энергияси таъминоти яхшиланди.

Келгуси йили маҳаллаларда инфратузилмани яхшилаш, иш ўринларини кўпайтириш, тадбиркорликни қўллаб-қувватлашга яна 400 миллион доллар ажратилиши кўзда тутилган. Бунда 32 та туман ва ижтимоий шароити оғир 328 та маҳаллани ривожлантириш бўйича алоҳида дастур қабул қилинади. Бу оғир шароитли ҳудудларни замон талаблари асосида ривожлантириш, аҳолига муносиб турмуш шароити яратиш борасида янги тажриба бўлади.



Шунингдек, 810 та маҳаллада сув, канализация, йўл, мактаб ва боғча қуриш бўйича 1,3 миллиард долларлик лойиҳалар амалга оширилади. Уй-жойга муҳтож ва даромади паст аҳолига ипотека тизимидан фойдаланиш учун ҳар йили 200 миллион доллар субсидия ажратилади.

Еттинчидан, мамлакатимизда давлат харажатининг 70 фоиздан ортиғи янада Барқарор ривожланиш мақсадларига эришиш учун сарфланмоқда.

Шу билан бирга, Президентимиз маърузада таъкидлаганидек, глобал миқёсда Барқарор ривожланиш мақсадларига эришиш учун ривожланаётган давлатларга йилига 4 триллион доллардан зиёд маблағ зарур. Бундай шароитда хавф-хатарларни объектив баҳолаш, молиявий ресурсларни жалб қилиш, самардорлигини ошириш бўйича “камбағалликка қарши курашининг янги молиявий архитектураси”га эҳтиёж сезилмоқда.

Ушбу масалаларга ечим топиш мақсадида Президентимиз томонидан 2026 йилда кўхна Хива шаҳрида халқаро молия институтлари, донор ташкилотлар ва ҳамкор давлатлар иштирокида конференция ўтказиш таълиф қилинган ҳамкор давлатлар билан галатдаги фаолиятининг кейинги ривожланиш истиқболли учун аниқ муддао бўлди.

Умуман олганда, Наманганда ўтган навбатдаги халқаро форум ўз моҳият-эътибори билан фаровонлик дастури сифатида Конституциямизда белгилаб қўйилган ижтимоий давлат принципнинг амалдаги исботидир, десак, айна ҳақиқатни айтган бўламиз.



2025 йил
24 сентябрь, 197-сон

НИГОХ

ЯНГИ

ЎЗБЕКИСТОН



Тараққиёт одимлари



ОЛМАЛИҚ ЮРТ ФАХРИГА,

САНОАТ ШАҲРИГА АЙЛАНМОҚДА

Олмалик... Бу шунчаки географик нукта эмас. Бу номни эшитган киши қалбининг бир чеккасида ғурурни, фахр ва ишончни ҳис қилади. Бу жой заҳматнинг, сабрнинг ва тинимсиз янгилианишнинг манзилдир. Кимдир бу шаҳарни конлари, мис фабрикалари билан эслайди. Бошқа биров эса уни футбол академияси, ёшлар боғи, янги таълим масканлари орқали, яна кимдир табиати билан танийди. Бироқ бу шаҳарни ҳақиқий маънода англаш учун у ерга бир бор бўлса-да бориш, одамлари билан суҳбат қуриш, уларнинг юзидаги меҳнатсеварлик ва эртанги кунга ишончни кўриш керак. Ана шундагина Олмаликнинг ҳақиқий қиёфасини англаш, ҳис қилиш мумкин.

Бир пайтлар сукунатга чўмган адирлар ўрни бутун саноат юрагига айланди. Мазкур ерларда энди фақат техника товуши эмас, балки орузлар жаранги, юксак мақсадлар шовқини эшитилади. Ўзгаришлар кўчаларда эмас, инсонларнинг фикрида, дунёқараш ва руҳиятида рўй бермоқда.

Олмаликқа хизмат сафарига борганимизда юқоридаги фикрлар миямизда ғужон урди. Бу ўринда сизни шунчаки саноат ёки тарих билан эмас, балки маҳаллий аҳолининг ўзини англаши ва келажақ сари дадил қадамлари ҳақида сўз юритамиз.

Улуғ лойиҳалар бошланган манзил

Биринчи манзилимиз “Қалмоққир” ва “Ёшлик-1” конлари бўлди. Кон томон юрак эканмиз, узокдан ҳайбатини кўз-кўз этиб, шаҳарга ўзгача кўрк бағишлаб турган замонавий, баланд уйлар диққатимизни тортди. Олдинлари бу ерларда нари борса, 4 қаватли уйлар бўлган. Энди эса бийда даштда замонавий шаҳар қад ростлаётир. Бир вақтлар олмалиқликларнинг асосий жамоат транспорти “Дамас” бўлганини кўпчилик яхши эслайди. Ҳозир улар пойтахтдагидан қолишмайдиган



замонавий автобусларда манзилга ошиқмоқда.

Илонизи йўл бўйлаб 500 метргача қуйдан маъдан олиб чиқаётган 130-240 тонна юк кўтарадиган гигант техникаларни қўриб, ҳайратга тушмаслигининг иложи йўқ.

“Ер — бойлиқнинг онаси, меҳнат эса унинг отаси”, деган мақол бундай жойларда тўла-тўқис ўз тасдиғини топади. Чунки бу ерда фақат техника эмас, фидойилик, сабр ва садоқат ҳам ишляпти. Бу ердаги ҳар бир сиқим тупроқда фақат маъдан эмас, балки келажақ, тинч ва фаровон ҳаёт учун ишонч мўжассам.

Давлатимиз раҳбарининг 2017 йили Олмалик кон-металлургия комбинатига ташрифида ҳудуд аҳолиси учун қувончли воқеага тамал тоши қўйилди. Шу кундан бошлаб, “Қалмоққир” конининг ғарбий қисмида “Ёшлик-1” конини ўзлаштиришга старт берилди.

Бир пайтлар қўп-қуруқ, инсон боришдан чўчиган дашт бутун нафақат мамлакат иқтисодиёти, балки бутун Марказий Осиёда саноатлаштиришнинг флагманига айланиб бормоқда. Ҳозир узунлиги 4, эни 2 километрдан зиёд кондан куну тун маъдан ташилмоқда. Бу фақат техника иши эмас, балки инсон иродаси, ижтимоий масъулият ва давлат сиёсатининг зафарли одимидир.

Бугун қурилиш ва қазिश ишларида 600 дан ортққ замонавий техника иштирок этмоқда. Ушбу мисол лойиҳанинг нақадар улканлигини кўрсатади. Бу рақам шунчаки статистика эмас, тасаввур қилиб бўлмайдиган

меҳнат, буюк режалар ва ватанпарварлик инъикосидир.

Шунингдек, автоматлаштирилган кон-транспорт комплекслари, микропроцессорли темир йўл тизимлари ва бошқарувнинг янги шакллари жорий қилинган. Бу эса ресурслар тежаллиши ва иш самарадорлигининг ошишига хизмат қилмоқда.

Замонавий техникалар нафақат сифат, балки тезкорлиқни ҳам кафолатлайди. Айтиш жоизки, 70 йил давомида “Қалмоққир” конида 600 метр чуқурликка етиб борилган бўлса, бор-йўғи 3 йилда “Ёшлик-1” конида 250 метр чуқурликка тушилган. Бу эса янги замонавий технологиялар ва илгор бошқарув моделлари орқали амалга оширилмоқда.

Саноат мўъжизаси

Олмалик тоғ бағрида қад ростлаган, тарихи билан ифтихор, бугуни билан фахр ва келажақи билан ишонч бағишловчи шаҳар. Бу манзил нафақат ўзининг табиий бойликлари билан, балки меҳнаткаш инсонларнинг қаҳрамонлиги, интилиши ва курашувчан руҳи билан ҳам қадрлидир.

Бугунги дунё шиддат билан ўзгармоқда. Иқтисодий рақобат, технологиялар

ўз аксини топа бошлади. Бугун бу ерларда улкан техникалар ва одамлар ҳаракати, қурилиш шовқини ва ишлаб чиқаришдаги шижоат — яхлит жараёни акс эттиради.

Бу ўзгаришнинг бошланишида давлатимиз раҳбарининг қатъияти муҳим аҳамият касб этди. 2021 йилдаги ташрифида Президентимиз 3-мис бойитиш фабрикаси қурилишига старт берган эди. Мақсад аниқ эди: мис маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмини кескин ошириш учун унинг мустаҳкам хомашё базасини яратиш зарур.

2025 йил августдан бошлаб фабрика тўлиқ фаолият бошлади. Икки секция бир вақтнинг ўзида синовдан ўтказилди. Шу даврда 3700 тоннадан зиёд мис концентрати ишлаб чиқарилиб, мис эритиш заводиغا етказилди. Бу оддий натижа эмас, балки юзлаб муҳандис ва мутахассисларнинг, минглаб ишчиларнинг кечаю кундуз тинимсиз меҳнати самарасидир.

— Фабрикадаги технологик жараён яхлит занжир асосида ташкил этилган. Кондан ташиб келтирилган маъдан аввал йирик майдалашдан ўтказилади, 1200 миллиграммгача бўлган бўлақлар 300-350 миллиграммгача майдаланади. Кейинги босқичларда маъдан элакляниб, ўрта ва кичик майдалаш цехларига йўналтирилади. Соатига 6,5 минг тонна маъдани майдалаш қувватига эга узеллар ва 4,2 километр узунликдаги конвейерлар маъдан етказиб бериш жараёнини узлуксиз таъминлайди, — дейди 3-мис бойитиш фабрикаси директорининг ишлаб чиқариш бўйича ўринбосари Шерзод Мирсиддиқов. — Янчи жараёни фабрика фаолиятининг асосий ҳалқасидир. Шарли тегирмонлар ёрдамида маъданинг 80 фоизи 74 микрогача майдаланади. Автоматлаштирилган бошқарув тизимлари ва замонавий сенсорлар иш жараёнини реал вақтда кузатиб, операторларга тежор маълумот тақдим этади. Шунингдек, марказдан қочма “Galson” концентраторлари олтин ва бошқа қимматбаҳо металлари аниқлик билан ажратиб олиш имконини беради.

Флотация бўлими эса фабриканинг юраги ҳисобланади. Бу ерда замонавий флотомашиналар жойлаштирилган. Ҳажми 300 метр куб бўлган 54 та, шунингдек, 50 метр кубли 60 та ва 20 метр кубли 48 та машина ҳамда 6 та вертикал тегирмон яхлит тизим сифатида

ишлайди. Жараён икки босқичда амалга оширилади. Автоматик реагент дозалаш тизимлари самарадорлиқни таъминлайди. Сунъий интеллект асосидаги назорат воситалари кўпик қатламни кузатиб, флотация жараёнини оптималлаштиради.

Фабриканинг юраги саналмиш тегирмонлар участкасида маъдан майда зарраларга етиб боргунича ишловдан ўтди. Замонавий шарли тегирмонлар, концентраторлар ва сенсор технологиялари билан жиҳозланган тизимлар ҳар бир грамм маъдани аниқлик билан ажратиб олиш имконини беради. Бу оддий саноат эмас, илм ва техника уйғунлигидаги мураккаб жараёндир.

Флотация участкаси эса жараёнинг ҳал қилувчи қисми. Бу ерда мис ва молибден ажратиб олинади. Замонавий флотомашиналар ва вертикал тегирмонлар иш самарадорлиги билан бирга ресурс тежамкорлигини ҳам таъминлайди.

Кейинги босқичда маҳсулот сараланади, филтрланади ва қуюлтирилади. 28 метрли қуюлтиргичлар ва “Lagox” филтрлари орқали тайёр маҳсулот 4 километр узунликдаги қуварли конвейер орқали металлургия корхонасига етказилади. Бундаги бутун жараён автоматлаштирилган бўлиб, сунъий интеллект орқали бошқарилади. Қатъий ишонч билан бу фабрика янги Ўзбекистон саноатининг юзи, салоҳияти ва келажақи эканини айтиш мумкин.

Энг муҳими, бу ишлаб чиқаришда инсон қўли ва ақли ҳали ҳам марказда туради. Сенсорлар, алгоритмлар ва автоматика — буларнинг барчаси мутахассисларнинг доимий назоратида. Тегирмон машинистлари, электриклар, флотаторлар ва техник хизмат ходимлари — ҳар бири ўз касби билан бугунги тараққиёт поғонасини барпо этмоқда.

Бу ерда фақат ишлаб чиқариш эмас, балки оруз-умидлар, интилишлар ва катта меҳнат самараси ҳам мўжассам. Жараёндаги ҳар бир ускуна, ҳар бир тонна маҳсулот — юрт келажагига ишонч рамзи.

Албатта, бугун дунёда рақобат жуда кучли. Ким ортда қолса, инқирозга юз тутайди. Шу боис, Ўзбекистон ана шундай улкан қадарлар орқали нафақат ички, балки ташқи бозорда ҳам ўз ўрнини топишга интилмоқда. Олмалик бу интилиш тимсолидир.

Шаҳардаги ҳар бир ўзгариш, ҳар бир лойиҳа нафақат иқтисодий муваффақият, балки маънавий кўтаринкилик, халқ фаровонлиги ва эртанги кунга ишонч рамзидир.

Эътиборимизни яна бир жиҳат тортди. Адирлик бағрида жойлашган фабрика атрофида дарактлар ва гуллар экилган. Бу ерга келган одам нафақат саноат сирларидан, балки бутун республикамиз бўйича долзарб масала бўлган “Яшил макон” лойиҳасининг ҳам гувоҳи бўлади. Табиат ва саноат бирлашган жойда одамларнинг бугундан рози, эртага умид билан яшаётганини кўриш мумкин.

“Ақлли” конлар

Комбинат корхоналаридаги кенг қамровли рақамлаштириш ишлари натижада юқори меҳнат унумдорлигига эришилмоқда. Жумладан, айни кунларда рақамлаштириш доирасида Олмалик кон-металлургия комбинатида кон-транспорт мажмуасини бошқаришнинг



кенг қамровли автоматлаштирилган тизимни жорий этиш ишлари якунланиш арасида.

Автоматлаштирилган кон-транспорт бошқарув тизими Ўзбекистонда шу соҳадаги биринчи лойиҳа бўлиб, ундан қўзланган мақсад илгор рақамли технологиялар ёрдамида конларда ишлаш ёндашувини тубдан ўзгариштиришдир.

Лойиҳа доирасида 400 дан ортққ техника турли сенсорлар билан жиҳозланган. Хусусан, “Қалмоққир” конидаги 186 та ва “Ёшлик-1” конидаги 240 та экскаватор, автосамосвал, бурғилаш қурилмалари ва бошқа йўл қурилиш техникалари ўз фаолияти ҳақидаги маълумотларни “Карьер” автоматлаштирилган кон-транспорт бошқарув ахборот тизимига автоматик узатиш мумкин.

— Тизим конларда ишларнинг бажарилишини 24/7 режимида назорат қилиш, юқни автоматик ағдарувчи юк машиналарининг қатновчи сони ва ташилган тоғ жинсларининг ҳажми ҳақидаги ишончли маълумотларни реал вақт режимида олиш тезлик режими ва рухсат этилган юкланишни назорат қилиш орқали техниканинг эксплуатация харажати ва ёнилги сарфини кайитириш имконини беради, — дейди Олмалик кон-металлургия комбинати рақамлаштириш департаменти директори Азиз Розикўлов.

“Карьер” автоматлаштирилган бошқарув тизимининг функционал имкониятлари ўзи ағдарувчи юк машиналари, экскаваторлар, бурғилаш қурилмалари ва бошқа ҳаракатланувчи объектларга ўрнатилган махсус сенсорлардан маълумот йиғишга асосланган. Сенсорларнинг кўрсаткичлари, жумладан, қузовнинг юкланганлик даражаси, бақдақи ёнилги микдори, жойлашуви, ташиллаётган юқнинг оғирлиги ва ҳатто бурғилаш асбобларининг ёнилги даражасини ҳам қамраб олади.

Барча маълумот симсиз канал орқали серверга узатилади. Шундан сўнг ушбу маълумотлар асосида аналитик тизим кейинчалик таҳлил қилиш ва тегишли қарорлар қабул қилиш учун ишлатилиши мумкин бўлган ҳисоботни тайёрлайди.

“Ақлли карьер” ОКМКа транспорт логистикасини оптималлаштириш имконини беради. Ўзи ағдаргич ва темир йўл таркиблари ҳаракат йўналишларини автоматик белгилаш учун борт тизимлари билан жиҳозланган.

Шунингдек, кондан юкланадиган кон массасини тезкор ҳисобга олиш тизими жорий этилди. Бу ечим техниканинг тўхтаб туриш вақтини ва сабабларини кўрсатган ҳолда автоматик ҳисобга олиш, самосваллар қузовида ташиллаётган юк оғирлигини автоматик аниқлаш, шунингдек, шиналардаги ёнилги ва босим назоратини таъминлайди.

Бундан ташқари, тоғ-кон саноати шароитида транспорт воситаларидан фойдаланиш хавфсизлигини ошириш, шунингдек, ҳайдовчи ёки операторни диққатини йўқотиш ва ухлаб қолиш ҳолатлари ҳақида огоҳлантириш учун мўлжалланган назорат тизими жорий этилди.

Тизим, шунингдек, юклаб жўнатилаётган маъдан сифатини бошқариш ва зарур ҳисоботларни шакллантириш имконини беради. Бурғилаш дастгоҳларини датчиклар билан жиҳозлаш эса ҳақиқий бурғиланган қудуқлар ва уларнинг технологик параметрлари бўйича аниқ маълумотларни олиш, тўхтаб туриш вақти ва бурғилаш усқуналари сарфини ҳисобга олиш имконини беради.

Тадиққотларга кўра, интеллектуал карьер экскаваторларнинг иш самарадорлигини ўртача 10 фоиз, ўртача тезлигини 5 фоиз ва юкланишни 20 фоизгача ошириш имконини беради.

Ушбу лойиҳа нафақат минтақадаги энг йирик мис ишлаб чиқарувчи сифатида Олмалик кон-металлургия комбинатининг етакчилик мавқеини мустаҳкамлайди, балки Ўзбекистоннинг бутун тоғ-кон саноатини рақамли трансформация қилиш учун янги стандартни белгилайди.

Олмаликда янги нафас

Олмалик шаҳридаги ҳашамдор бино эътиборимизни тортди. Аввалига бу каттарок корхона бўлса керак деб ўйладик. Лекин ичкарига кириб кўргач, бу 210 ўринга мўлжалланган футбол академияси эканини билдик.

Шу ўринда кичик мулоҳаза. Бу йил тарихда илк бор футболчиларимиз жаҳон чемпионатида йўллана олди. Осиё чемпионатига ҳам ёшларимиз бир неча бор ғалабани қўлга киритди. Ҳатто баъзилари дунёнинг энг кучли футбол лигаларида майдонга тушмоқда. Бу ёшлар нафақат ўзи учун, балки юртимиз номи ва шарфини юксалтириш учун ҳам катта фидойилик кўрсатмоқда. Дунё ҳам ана шундай иқтидорли ёшлар орқали Ўзбекистонни танимоқда.

Энди ўз-ўзидан савол туғилади: бу натижалар замрида нима ётибди? Менимча, энг аввало, эътибор. Бугун Олмалик шаҳридаги каби академиялар юртимиздаги энг чекка ҳудудларда ҳам қуриллаётир. Бу, шубҳасиз,

қанчалаб иқтидорлиларни кашф этишга ҳисса қўшади. Айниқса, спорт билан шугулланаётган ёшлар бу мусасасаларда хорижий тилларни ўрганиш билан бирга кенг дунёқарашга ҳам эга бўлмоқда.

Олмаликқа келган ҳар бир киши шаҳарнинг ўзига хос янгилианишлари, одамларнинг турмуш даражаси ва дунёқарашидagi ўзгаришларни кузатиб, ҳайратда қолади. Янги йўллар, қўлай муҳит ва фаол ҳаёт шаҳарни янада жонлантирмоқда.

Ҳозир энг қимматли ва қадрли бойлик иқтидорли, билимли ва салоҳиятли кадрлардир. Ўзбекистон саноатининг ривожланиши, янги завод ва фабрикалар фаолияти айнан салоҳиятчи инсон ресурсларини тайёрлашга йўналтирилган.

Сафаримизни якунлаб уйга қайтар эканмиз, хотирамда олмалиқлик Абдумажид отанинг сўзлари айланарди:

— Бир вақтлар мис бойитиш фабрикаларининг биринчи ва иккинчи босқичи ишлаётганида у ерда эски икки “Жигули” ва бир “Москвич” машина бор эди. Ҳозир комбинатда ишлаётганлар замонавий автомобилларда юради. Бу — оилаларнинг тинчлиги ва фаровонлиги белгиси. Яқинда Олмалик кон-металлургия комбинати чўл-биёбон ўртасида Хиёбон ва Ёшлар боғини барпо этди. Биз у ерга ўзимиз ҳавас билан қараймиз. Комбинат шаҳар тараққиётида катта аҳамиятга эга. Янги қуриллаётган фабрикалар, очилаётган конлар — барчаси ватан, халқ ва инсон манфаати учун хизмат қилади. Бу шийор бир кунлик эмас, балки халқимиз учун умрбоқчи қадриятдир. Табиий бойликлар ер остида ётса-да, улардан халқ манфаати ва тинчлиги учун фойдаланиш мақсадида жон куйдириб ишлаш керак. Давлатимиз раҳбари айнан шундай иш бошлади ва ҳозир биз ҳавас билан қараётган ёшларга шундай имкониятлар яратилди. Буни ҳар қандай жойда баланд овоз билан гапириш мумкин.

Сардор ТОЛИБОВЕВ,
“Янги Ўзбекистон” муҳбири



ЎҚИТИШДА ИЛҒОР ТАЖРИБАЛАРНИ ЎЗЛАШТИРИШ

Мақтабгача таълим тизими 1985 йилдаги таълим ислохотида белгиланган тамойиллар асосида йўлга қўйилган. Унга кўра, мақтабгача таълим муассасаларини давлат қорхоналари, ишлаб чиқариш гуруҳлари, ҳокимликлар, жамоалар ва иқтисодий гуруҳлар оталиққа олиши керак. Хукумат мақтабгача таълимга ҳимойлик қилиш ҳусусий ва турли давлат ташкилотларининг иқтисодий хизматларидан бири эканини эълон қилди. Шунингдек, ўша йилги ислохотда мақтабгача таълимни пулли қилиш ва педагог кадрлар тайёрлаш механизминини кучайтириш кўзда тутилган.

Хитойлик болалар одатда 3-6 ёшгача боғчага қатнайди. Тарбиячилар, албатта, бошлангич таълим ўқитувчиси макомига эга бўлиши лозим. Асосий эътибор боланинг ўйин ўйнаши ёки дам олишига эмас, интеллектуал ва ижодий салоҳиятини ривожлантиришга қаратилади.

Олти ёшга тўлган болалар анъанавий тарзда бошлангич мактабга юборилади. Бошлангич таълим мамлакатнинг барча фуқароси учун мажбурий. Ўқув мuddати — 6 йил. Стандарт ўқув йили икки семестрдан иборат бўлиб, сентябрдан июлгача давом этади. Бошлангич синф ўқувчилари хитой тили, математика, жамиятшунослик, табиатшунослик, жисмоний тарбия, мафкура ва ахлоқ, мусика, тасвирий санъат ҳамда меҳнат каби мажбурий фанларни ўрганади. Бошлангич таълим босқичида чет тилларни ўрганиш бола ва ота-она ихтиёрида.

Мамлакатдаги ўрта таълим тизими шартли равишда икки босқичдан иборат: қўйи (биринчи) ва юқори (иккинчи). Қўйи босқич 12 ёшдан 15 ёшгача бўлган уч йиллик ўқиш



Бу йил сентябрь ойи янги Ўзбекистон тарихига таълимдаги ислохотлар навбатдаги босқичга чиққан палла сифатида кирди. Бундай дейишимизга асослар бор. 9 сентябрь куни Президентимиз раислигида мактабгача таълим ва мактаб таълими соҳасидаги ислохотлар ижроси ҳамда келгусидаги устувор вазифалар муҳокамаси юзасидан видеоселектор йиғилиши ўтказилди. Шунингдек, 15 сентябрь куни давлатимиз раҳбари ўқитувчи ва мураббийлар куни олдидан педагоглар билан учрашиб, мулоқот қилди.

Шу ўринда видеоселекторда кўтарилган муҳим бир жиҳатга эътибор қаратсак. Йиғилишда таълим сифатини ошириш ва олий ҳудудлардаги ўқувчилар учун қўлайлик яратиш масаласи муҳокама қилинди. Айни пайтда 74 минг ўқувчи мактабга 5-7 километр узоқдан қатнаётгани қайд этилди. Қашқадар ва Сурхондар вилоятларида бу муаммога ечим сифатида 100 та мактабга бепул автобус қатнови йўлга қўйилган эди. Шунингдек, аҳоли яшаш ҳудудига яқин жойларда янги мактаблар қурилиб, фойдаланишга топширилди.

Масалан, Сурхондар вилояти Шўрчи туманидаги Бахшитеп-1 ва Қораарқ маҳаллаларида яшовчи 700 га яқин ўғил-қиз ҳозиргача 7 километр йўл босиб, қўшни ҳудуддаги мактабларда тахсил олиб келарди. Улар учун 66- ва 74-мактаблар биноси янгидан қурилиб фойдаланишга топширилди.

— Авваллари Бахшитеп-1 дан мактабга бориш учун болалар 4-5 километр йўл босишга мажбур эди. Улар орасида 1-4-синф ўқувчилари ҳам бор. Мана энди, 330 ўринли чиройли, замонавий бинога эга янги мактаб қурилди. Болаларимиз мактаб деганда йўл азобини эмас, билим завқини ҳис қиладиган бўлди, — дейди меҳнат фахрийси Боймурод Хўжанов.

Янги ўқув йилида фойдаланишга топширилган 66-мактабда ҳозир 230 дан ортиқ ўғил-

НИМА УЧУН МУҲИМ?

учун мўлжалланган ва мажбурий таълимнинг якуний босқичидир. Ўрта таълимнинг биринчи босқичида (3 йил) ўқувчилар камиди 13 та асосий фанни ўрганади. Ўқув йили охирида якуний имтиҳонга кириш учун барча фандан камиди 60 балл тўллаш шарт. Тўплай олмаганлар кейинги йилга қолдирилади.

Юқори ўрта таълим даражасида (15-19 ёш) ёшларга таълимнинг 2 тури тақлиф этилади: академик ёки касбий. Ўқитишнинг бу босқичи пулли бўлиб, йиллик ўртacha нархи 4-6 минг юан.

Бугун Хитойда 2500 га яқин олий ўқув юрти мавжуд. Уларда 20 миллиондан ортиқ талаба, жумладан, чет элликлар тахсил олади. Анъанага кўра, олий таълим муассасаларига 18 ва ундан катта ёшдаги абитуриентлар қабул қилинади. Дунёдаги бошқа олий таълим тизимлари сингари Хитой университетлари ҳам бакалавр, магистр ва фан докторларини тайёрлайди. Бакалаврият таълим дастури 4 йил, магистратура 3 йил, докторантура 3-5 йил давом этади. Хитой университетларида кириш имтиҳони жуда қаттиқ бўлиши келгусида яхши кадрлар етиштириш, сарагини саракка, пучгани пучакка чиқариш билан изоҳланади. Аммо чет эллик талабалар учун баъзи енгилликлар мавжуд. Мамлакат таълим тизимининг асосий мақсади талабаларни

илмий база билан таъминлаш, келажак касбига тайёрлаш ва иқтисодий масъулиятини шакллантиришдан иборат.

Ушбу мамлакат таълим тизимининг кучли жиҳатларидан яна бири академик мукамалликка уруғ берилиши ва муваффақиятли мутахассислар тайёрланишидир. Ўғил-қизларга таълимга масъулият, тартибга риоя этиш ва биринчи бўлишга интилиш болалиқдан сингдирилади. Бу одат энди фазилатга, фазилат эса характерга айланиб, бутун дунё хитой миллиятининг қиёфасини масъулият, тартиб ва ғалаба тимсолида кўра бошлади.

Хитой ҳукумати “фан ва таълим орқали мамлакат тараққиётига эришиш” тамойили ҳамда узоқ муддатли ривожланиш стратегиясига асосланиб, таълимни модернизациялаш, аҳолининг маданиятини оширишга устувор вазифа сифатида қарамоқда. Таълим иқтисодий-иқтисодий ривожланиш учун стратегик аҳамиятга эга экани эътиборга оlinиб, “Таълимни ривожлантириш — модернизациялашув ва келажакни белгилаб берувчи омил” мазмунидagi янги йўналиш бўйича ислохотлар амалга оширилмоқда.

Мамлакат замонавий олий таълим тизими тарқибига университет, коллеж ва касбий олий мактаблар кириди. Университет ва коллежларнинг асосий қисми Таълим вазирлиги назоратида фаолият юритади. Шу билан бирга, маҳаллий ҳокимликлар бошқардиган олий таълим муассасалари ҳам мавжуд. Хитой ОТМлари олий таълимнинг уч босқичини таъминлайди: бакалаврият, магистратура, докторантура.

Хитой олий таълимнинг сифати кўп мамлакатларда тан олинган. Шу сабабли, бу юртга алмашинув дастурлари бўйича четдан жуда кўп талабалар боради. Қўпбал олий таълим муассасалари хорижий талабаларни қабул қилиш ҳуқуқига эга. Охириги йилларда у ердаги олий таълим муассасалари сони нодавлат таълим муассасалари ҳисобига 70 фоиз ўсди. Таълимни ривожлантириш режасига биноан, барча ОТМлар ҳар беш йилда кўрсатиладиган хизматлар сифатини баҳолаш



жараёнидан ўтиши шарт. Бу иш махсус ташкил этилган Сифатни баҳолаш агентлиги томонидан амалга оширилади. Бундан ташқари, олий таълим муассасаларида таълим сифати учун масъул бўлинмалар ҳам мавжуд. Бундай тизим Хитойга ўқитиш соҳасида катта ютуқларни қўлга киритиш имконини берди. Шундан келиб чиқиб айтсак, давлатимиз раҳбарининг жорий йилдаги иккита фармони Ўзбекистон таълим тизимини ҳам янги босқичга олиб чиқишига шубҳа йўқ.

Шулардан бири Президентимизнинг 2025 йил 5 майдаги “Таълим сифатини таъминлаш ва таълим хизматлари кўрсатиш тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” фармонидир. Унга кўра, “Таълим соҳасидаги лойиҳалар маркази” лойиҳа офиси негизида Таълим сифатини таъминлаш миллий агентлиги ташкил этилди. Агентлик ўрта махсус,

касбий, олий ва олий таълимдан кейинги таълим, шунингдек, кадрларни қайта тайёрлаш ҳамда малакасини ошириш, малакани баҳолаш соҳасида ташқи сифат назоратини амалга оширувчи махсус ваколатли давлат органидир.

Давлатимиз раҳбарининг жорий йил 28 апрелдаги “Педагог кадрлар тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони ҳам ўқитиш тизимидаги ислохотларда муҳим ўрин тутди. Чунки мазкур ҳужжат асосида педагогика соҳасида кадрлар тайёрлайдиган олий таълим ташкилотлари Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги тизимига ўтказилди. Шу йўналишдаги олий таълим ташкилотларида халқаро тажриба асосида ўқув жараёнларини самарали бошқариш тизими жорий этилди. Самардорликнинг энг муҳим кўрсаткичлари (KPI) асосида раҳбар ходимлар фаолиятини баҳолаш тизимини ишлаб чиқиш ҳамда олий педагогик таълим мазмунини халқаро талабларга мослаштириш каби вазифалар белгиланди.

Қолаверса, халқаро таълим дастурлари қўлланадиган йўналишлар учун профессор-ўқитувчиларни хорижий университетларга мақсадли малака оширишга юбориш тизими жорий этилди. Демак, Президентимиз фармонлари Хитой касбий таълим тизимидаги каби катта ўзгаришларга олиб келади. Сўнгги ярим асрда Хитой саводхонлик даражаси бўйича қолоқ мамлакатдан самарали ўрта ва олий таълим тизимига эга мамлакатга айланди. У иқтисодий тараққиёт учун зарур кадрлар тайёрлаш босида етарли шароит яратди. Хитойнинг бу борадаги ютуқларини чет элдан таълим олиш мақсадида келаётганлар йилдан йилга кўпайиб бораётгани ҳам тасдиқлайди. Айни пайтда Хитой Япония билан бир қаторда Жануби-шарқий Осиёда хорижий талабалар оқими бўйича етакчи ўринларни эгаллаб турибди. Хитой олий таълими тараққиёти унинг глобал таълим маконига интеграциялашув билан боғлиқ.

Ушбу мамлакат таълим тизимининг ўзига хос хусусияти ва афзаллиги, энг аввало, қатъий интизом ва меҳнатсеварликда. Ўқувчилардан қатъий интизомга риоя

этиш ва тинимсиз меҳнат талаб қилинади. Бу ёш авлодининг мақсадга эришиш йўлида сабр-тоқатли бўлиши ва ўз устида мунтазам ишлашига замин яратади.

Иккинчидан, таълим тизими аниқ мақсадларга йўналтирилган, ҳар бир босқич билан ва кўникмани оширишга қаратилган. Бу эса, ўз навбатида, келгусида муваффақиятга эришишни таъминлайди.

Учинчидан, фан, технология, муҳандислик ва математика (STEM) фанларига алоҳида эътибор қаратилади. Бу мамлакатнинг инновацион ривожланиши ва рақобатбардошлигини оширишга хизмат қилади.

Тўртинчидан, Хитойда ўқитувчи жуда обрўли ва масъулиятли касб эгаси. Педагоглар мунтазам малака ошириб, жараёнга янги технологияларни жорий этиб боради.

Бешинчидан, ҳукумат таълимга катта инвестиция киритмоқда. Замонавий мактаблар, лабораториялар ва кутубхоналарда ўқувчиларнинг сифатли таълим олиши учун барча шароит яратилган.

Ўзбекистон Хитой тажрибасини ўрганиш орқали қатор мақсадларни қўзғаламоқда. Ўқувчиларнинг билим ва кўникмаларини халқаро стандартларга мослаштириш, STEM фанларини ривожлантириш орқали ёшларни инновацион ғоялар яратиш ва замонавий технологияларни ўзлаштиришга рабатлантириш, ўқитувчиларнинг малакасини ошириш, уларни илгор педагогик технологиялар билан таништириш, мактаблар, коллежлар ва университетларни жиҳозлаш, мутахассисларни ички ва ташқи меҳнат бозори эҳтиёжларига мослаштириш шулар жумласидан.

Хитой таълим тизими мукамал эмас, албатта. Ўзига яраша камчиликлари ҳам бор. Бирок ушбу тизимнинг муваффақиятларини инкор этиб бўлмайди. Мана шу инкор этиб бўлмас ютуқлар ушбу давлат иқтисодиётини жадал ривожлантиряпти.

Юртимизда таълим ва илмга эътибор қанчалик кучли эканини охириги кунларда бўлиб ўтган соҳага дахлдор воқеалар ҳам яққол тасдиқлайди. Бинобарин, Президентимизнинг алоҳида эътибори туфайли педагоглар муносиб тақдирланди, рабатлантирилди. Давлатимиз раҳбари муаллимлар билан яна бир бор самимий мулоқот қилди. Мулоқот жараёнида билдирилган фикр-мулоҳазалар, ташаббус ҳамда ғоялар эса ушбу йўлдаги мақсадимиз аниқ ва ортга қайтмас эканлигини тақдор исботлади. Бу йўл эса бизни янги Ўзбекистон тараққиёти сари етаклайди.

СЕНТЯБРЬ МАМЛАКАТИМИЗ ТАРИХИГА ТАЪЛИМ ОЙЛИГИ БЎЛИБ МУҲРЛАНДИ

Юксалиш палласи

қиз сабоқ оляпти. Ушбу мактаб қурилиши учун давлат бюджетидан 8 миллиард 700 миллион сўм йўналтирилди. Мактаб замонавий жиҳозлар, компьютер жамланмалари, дарсликлар, спорт анжомлари ҳамда технология синфи учун зарур воситалар билан тўлиқ таъминланди.

Зухра Худойбердиева Шўрчи туманидаги 66-мактабнинг 10-синф ўқувчиси. У 9 йил уйдан 4 километр узоқдаги 51-мактабга қатнаб ўқиган.

— Уйи мактабга яқин синфдошларимга доим ҳавасим келарди. Оранда маҳалламизда ҳам мактаб бўлишини ўзунда қиладим. Ўша ниятим рўёбга чиқди. Маҳалламизда спорт зали, технология синфи бор замонавий мактаб қурилди. Бундан жуда хурсандим, — дейди Зухра Худойбердиева.

Шўрчи туманида янгидан қуриб фойдаланишга топширилган 74-мактаб эса

қораарқликларнинг 20 йиллик орзусини рўёбга чиқарди. Туман марказидан салкам 15 километр узоқда жойлашган ҳудудда ҳам ислохотлар реал натижа кўрсатмоқда.

Аввало, ички йўллар асфальтланди. Кейин сув муаммоси ҳал этилди. Энди янги мактаб фойдаланишга топширилди. Ҳозир 300 дан ортиқ ўқувчи тахсил олаётган бу таълим масканида барча шарт-шароит яратилган. Муҳими, қораарқлик ёшлар энди билим олиш учун 7 километр йўл босмайди.

Президентимизнинг ўтган йил 24 декабрдаги “2025-2027 йилларда Ўзбекистон Республикасининг иқтисодий ва ишлаб чиқариш инфратўлиқсини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига кўра, жорий йилда Сурхондарёда 930 ўринли 8 та янги МТТ қурилди ва 2250 ўринли 19 та МТТ реконструкция қилинди. Қурилиш учун 101,9



миллиард сўм ажратилди. Қарорга биноан 4 та янги мактабни қуриш, 22 та мактабда реконструкция ва 9 тасида мукамал таъмирлаш ишлари бажарилмоқда. Мазкур мактаблар учун 178,5 миллиард сўм йўналтирилди.

Бу ишлар, аввало, қишлоқ ва олий ҳудудлардаги болалар учун тенг шароит яратиш, замонавий таълимга кенг йўл очиш учун ниҳоятда зарур. Зеро, билимдон авлод эртанги тараққиёт ва рақобатбардош келажак кафолатидир.

Факат моддий-техник имкониятнинг ўзи етарли эмас. Сифатли таълимни юқори салоҳиятли ўқитувчиларсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Кейинги йилларда муаллимларга қаратилган алоҳида эътибор туфайли бу соҳага қизиқувчилар сони сезиларли ортияпти. Хусусан, ҳозир Сурхондарёдаги 972 та умумтаълим муассасасида 47 мингдан ортиқ педагог фаолият юртияпти. Ўқитувчилар ёшларга сифатли таълим бериши учун барча имконият ишга солинган. Электрон воситалардан тортиб, янги авлод дарсликларига ҳам марказдан чекка ҳудудларга етказиб бериляпти.

Яқинда Президентимизнинг фармони билан билимли, касб-ҳунарли, соғлом ва



баркамол авлодни вояга етказиш йўлида хизмат қилиб келаётган бир гуруҳ таълим фидойисини муқофотланган эди. Улар орасида сурхондарёлик 6 нафар устоз-мураббий ҳам бор. Бу воқеа касбий фидойилари сифати кенгайиб бораётганидан далолат.

— Ҳар бир мамлакатни қудратли, миллатни буюк қиладиган куч — илм-фан, таълим-тарбия. Шу боис, янги Ўзбекистонни барпо этиш йўлидаги ислохотлар айна таълим соҳасидан бошланган эди. Президентимиз ташаббуси ва эътибори билан соҳа тараққиётида янги уфқлар очилди. Ўқитувчиларнинг жамиятдаги нуфузи, фаровонлиги ошди. Замонавий шароитларда ишлаши учун имконият яратилди. Бу эътибор педагогларнинг янада катта ютуқларга эришишида ўзига хос рағбат бўляпти, — дейди Олтинсой туманидаги 9-мактабнинг қақирғува қадар бошлангич тайёргарлик фани ўқитувчиси, “Дўстлик” ордени соҳиби Ҳабибулла Исматилаев.

Салима Норқўчқорова 30 йилдан буён Қўмқўрғон туманидаги 3-мактабда физика фандан дарс беради. Мингбал шогирдларни тарбиялаб, бор кучини ёшлар таълим-тарбиясига йўналтирган муаллима меҳнати сабаб “Шуҳрат” медалига муносиб кўрилди.

— Давлатимиз раҳбари Президент сифатида иш бошлаган кунлариданоқ, таълимга,

ўқитувчи шахсига, унинг ҳурмат-эътибори ошишига алоҳида эътибор қаратди. Очиги, 7-8 йил олдинги вазият билан бугунимиз ўртасида ер билан осмонча фарқ бор. Шу йил 9 сентябрь куни Ўзбекистон видеоселекторда Президентимиз бир гапни алоҳида таъкидлади: “Таълим сифатини ошириш ҳамда устоз ва мураббийларнинг меҳнат ва яшаш шароитини яхшилаш ислохотларимизнинг энг устувор йўналиши бўлиб қолади. Зеро, янги Ўзбекистонда энг муҳим соҳа — таълим, энг ҳурматли инсонлар — ўқитувчи ва мураббийлардир!”.

Шу гапни эшитиб, кўзимга ёш келди. Эҳ-ҳе, бу кунларни кўрмаган, лекин бир умр орзу қилган қанчадан-қанча устозлар, ҳамкасблар бор эди, — дейди “Шуҳрат” медалли соҳиби Салима Норқўчқорова.

Мамлакатимизда илм-фан ривожини, интеллектуал салоҳияти юқори ёшларни тарбиялашга қаратилган ислохотлар кўлами кенгайиб бормоқда. Бу жараёнда ўз истеъдоди, кенг қамровли ижодий, илмий-амалий фаолияти билан фаол иштирок этаётган ўқитувчи ва мураббийларнинг алоҳида ўрни бор. Бундай юксак эътироф эса уларга ўзгача кайфият ва шижоат бағишлаши шубҳасиз.

Сарвар ТўРАЕВ,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

“

Мастурахон Сайфиддинова охирги беш йилда Фарғона вилоятида анор етиштириш ҳажми олти баробар ошганини айтди. Таъкидлашча, 2021 йилда 10,2 минг тонна анор ҳосили олинган бўлса, ҳозир бу кўрсаткич 63,5 минг тоннани ташкил этмоқда. Анорни сақлаш, саралаш, қадоқлаш, концентрат ҳолда қайта ишлаш ва шок музлатиш йўлга қўйилган. Бу мевани сотиб олувчи давлатлар географияси кенгайган. Ҳозир Европа давлатлари кўпроқ харид қилаётганидан фермерлар хурсанд.

Анор етиштириш илми профессори

Очерк

енгил тортди. Ишлаб турган насос бўлса, унинг эҳтиёт қисмини ҳам топиш мумкин деб ўйлади.

— Майли, ишни суриштиришдан бошлаймиз. Мен эрталаб вилоят марказига бораман. Зарурат бўлса, қўшни вилоятларга ҳам ўтаман. Худо хоҳласа, сув бўлади, — деди-ю машинага ўтирди.

У икки кунда водийни кезиб чиқди. Бош суқмаган идораси қолмади. Ниҳоят воҳадаги вилоятларнинг бирдан дарганини топти. Бу эҳтиёт қисмини олиб келиш учун юк машинаси бир кеча-кундуз вақт сарфлади. У ўрнатилганда насос эски жойидан яна ёрилди. Хуллас, опа роса югуриб, охири янги дивиге-теуль топти. Анорзорларга сув келди.

Ўша воқеага ҳам йигирма йилдан ошди. — Вилоят насос станциялари ва электр тармоқлари бошқармаси ишчи-хизматчилари Кува анорзорларига фақат насос орқали сув етказиб бермоқда. Бошқа ердан сув олишнинг илоҳи йўқ, — дейди анорзорлардан кўз узмай турган Мастурахон Сайфиддинова. — Кейинги йилларда бошқа соҳалар каби анорчиликка ҳам катта эътибор берилди. Анча йил олдин эътибор бир оз сусайгани ҳам ҳақиқат. 2016 йилдан бошлаб эътибор мутлақо ўзгарди. Фарғона вилоятига ташириш чоғида давлатимиз раҳбари анорзорлар келажаги ҳақида қимматли фикрлар билдирди. Анор экиладиган ерларни Фарғонадан Кувагача кенгайтириш,

“Келмасангиз бўлмайди, Жанубий Фарғона каналдан сув тортиб берадиган насосимиз умуман ишламай қолди. Ҳеч қандай ёрдам йўқ. Кува анорнинг тақдирини хавф остида! Ҳамкишлоқларингиз ва сайловчиларингиз”.

У ўйланиб қолди. Эртага шанба, индин эса якшанба. Демак, икки кунга бориб, масалани ҳал қилиб келса бўлади. Опа шу хаёл билан йўлга чиқди. Кувага етиб келиши билан фермерлар ёнига бормоқчи бўлди.

— Аввал сув масаласи ҳал қилинадиган жойга бориб келайлик, — дейди опа турмуш ўртоғининг “Чарчаб келдингиз, нонушта қилиб чиқарсиз”, деганига қарамай.

Шу йилларда фермер хўжаликлари тузиш зарурати туғилди. Аввалига фермерчиликка ўтсак қандай бўлади, уйдасидан чиқолмасак, кулгига қолмаймизми, дея иккиланганлар ҳам бор эди. Шунда Мастурахон Сайфиддинова ҳаммани ортидан эргаштирди.

— Фермерликка ўтишдан чўчиманглар, — деди иккиланиб турганларга. — Дунё тажрибасида фермерлик доимо ўзини оқлаган.

— Биламиз, лекин хорижда тизим бошқача бўлган-да, — деди Абдували деган йигит. — Агар ишмизига аввалгидек бошлиқлар, раҳбарлар аралашса, қандай ишлашни ўргатса, кўзлаган ҳосилни оломай уялиб қолмаймизми?!

— Энди ортингизда давлат раҳбари турибди, сизларни ҳимоя қилади. Бундан буёғига бизники деб эмас, меники деб ишлайсиз. Ўшанда ишга муносабатингиз ўзгаради...

Шундан сўнг фермерлик ҳаракати катта тезлик билан ривожлана бошлади. Фермер бўлиш учун ариза ёзганларнинг саногий йўқ эди. Ҳисоблаб кўрилса, бир неча ойда 2000 гектардан зиёд ер янги ташкил этилган фермер хўжаликларига икки-уч гектардан бўлиб берилибди.

Бу орада Олий Мажлис Қонунчилик палатасига сайловлар бошланиб кетди. Куваликлар ҳеч иккиланиб ўтирмай, депутатликка Мастурахон Сайфиддинова номзодини кўрсатишди ва сайлашди.

Мастурахон опа халқ депутати сифатида доимо халқ билан бирга эди. Қўнларнинг бирида анорлар чанқолган пайтда кўтарма сув насоси бузилиб қолди, фермерлар опага шошилинч телеграмма юборишди:

Эр-хотин насос бошига етиб борганида барча анорчилик фермер хўжаликларининг бошлиқлари шу ерда эди. Улар бир зумда Мастурахонни ўраб олди. Ҳаммасининг кайфияти йўқ, юзи ташвишли эди.

— Тинчланинглар, ҳаммаси ҳал бўлади. Ҳозир ўйларингизга бориб туринглар. Агар ўзим эплай олмасам, сизларни ёрдамга чақираман, — деди.

Ҳамма кетди. Насосчилар бошлиғи насоснинг сув тортадиган жойи қок ўртасидан ёрилганини, унинг эҳтиёт қисми ҳеч қаерда йўқ эканини айтди. “Наманганда ишлаб турган насос бор экан. Уни беришмаса керак”, деб қўшимча қилди у. Бу гапдан Мастурахон



Кува анори қадимдан машхур. Шу юрт фарзанди, жамоат арбоби Мастурахон Сайфиддинова 1979 йилдаги бир воқеани бундай эслайди:

“Собиқ шўролар даврида Ўзбекистоннинг ўша пайтдаги раҳбари Шароф Рашидов Кувага келди. У вақтлар Мусажон Шербўтаев хўжалигимиз раиси эди. Шароф Рашидов гап орасида Мусажон акага бундай савол берди:

— Кува ўзининг нимаси билан машхур? Шербўтаев шоша-пиша:

— Мебели билан машхур. Кува мебели сифат жиҳатидан Европада ишлаб чиқарилаётган ҳар қандай мебелдан қолишмайди. Бундан ташқари, Кувада саноатнинг бошқа турлари, масалан, қандолатчилик ҳам тез ривожланмоқда, — деди.

Шу жойда Шароф ака Мусажон Шербўтаевнинг гапини бўлиб:

— Туман ўзининг нимаси билан машхур? Масалан, Оққўрғон ангири, Олтиариқ бодринги ва узуми, Кува эса анори билан дунёга танилган. Мен шунини сўрадим, — деди.

Мусажон ака республика раҳбарининг “Кува ўзининг нимаси билан машхур?” деган саволини яхши эшитмай қолган экан, шекилли, хижолат кечканидан қизариб кетди ҳамда Кува анори ҳақида билганларини гапира бошлади. Мен ўша пайтда Шароф аканинг яқинида тургандим.

— Куванинг донгини дунёга танитаётган нарсаси — анори, — дея гапини такрорлади Шароф Рашидов.

Ҳамма қарсак чалди. Шу билан Шароф Рашидов Кувада анорчиликка асос солиб кетди. Адашмасам, 1979 йил 26 апрели эди. Қадашга тайёрлаб қўйилган анор кўчатлари дарҳол экилди.

— Бугун анорчилик бригадасини тузамиз ва унга бошлиқ этиб шу қизимиз — Мастурахон Сайфиддиновани сайлаймиз. Қарши эмасмисизлар? — деди Шароф ака мени кўрсатиб. Ҳамма бир овоздан “розимиз” деб қўл кўтарди. Келгуси йили анорчилик давлат хўжалиғи тузилди ва унга директор этиб тайинландим. Аста-секин хўжалиқнинг моддий базасини мустаҳкамлашга киришдик.

Қилинадиган биринчи иш сув таъминотини яхшилаш эди. Бунинг учун насос орқали Жанубий Фарғона каналидан дашт ерларга обихаёт чиқариш керак эди. Янги насослар йўқ эди. Вилоятнинг қаерида ишлайдиган насос бўлса, шунини олишга ёрдам сўраб раҳбарлар олдиға боравериб чарчаганман. Охири суви 50 метргача кўтариб берадиган насослар ўрнатилди ва навбатма-навбат ишлатишда бошланди.

Анор навини яхшилашга алоҳида эътибор қаратдик. Қайим, тутяш, аччиқ донна, ширин донна, жайдари, Кува, Дашнобод каби анор навлари кўчатини саралаб эка бошладик. Анорни кўмишдан қайин иш бўлмаса керак. Очиш ҳам ундан қолишмайди. Бу ишга техника жалб қилинса, минглаб ишчи кучи тежаллади. Ниҳолларни кузда кўмиш, баҳорда очиш учун мосланган тракторларни ишлаб чиқиш вазифаси шу қишлоқнинг тракторчилари зиммасига тушди. Мен тракторчилар ва бош муҳандис билан маслаҳатлашдик.

Инсон тафаккури ҳар нарсаси қодир экан. Оддий тракторчилар муҳандис раҳбарлигида содда универсал трактордан анор кўчатини кўмадиган мослама яратди”.

“Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока” газеталари тахририяти” ДМ

МУАССИС:
Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир:
Салим ДОНИЁРОВ

Тахриратга келган қўлмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.
Газета тахрират компьютер марказида сахифаланди.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “ШАРҚ” НМАК масъул.
Босмахона телефони: (71) 233-11-07.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Аxbорот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган.
Нашр индекси — 236. **Буюртма** Г-946.
34830 нусхада босилди.
Ҳажми — 3 табоқ. **Офсет** усулида босилган. **Қоғоз бичими** А2. Баҳоли келишилган нархда.

“ШАРҚ” наشريёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.
Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи муҳаррир: Жонибек Алижонов
Мусаххас: Маллохат Мингбоева
Дизайнер: Зафар Рўзиев

Манзилими:
100060, Тошкент шаҳри,
Шаҳрсабз кўчаси, 85-уй

ЎзА якуни — 11:10 Топширилди — 11:25

Қабулхона: (71) 233-56-33 Девонхона ва эълонлар: (71) 233-70-98 E-mail: info@yuz.uz Веб-сайт: www.yuz.uz (71) 233-47-05



ГАЗЕТАДАГИ МАТЕРИАЛЛАРНИ ЛОТИН ЁЗУВИГА АСОСЛАНГАН ЎЗБЕК АЛИФБАСИДА ЎҚИШ УЧУН МАЗКУР QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ.

